O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

21 ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 47 (153)-сон, 2006 йил 30 ноябрь | www.21asr.com

САНА

Ўтаётган йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганига ҳадемай бир йил тўлади. Айни пайтда... 4

ИҚТИСОДИЁТ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 72 та давлат мулки бўйича 127 млн. 105 минг сўмлик, 827 та нодавлат мулк бўйича 2 млрд. 622 млн. 630 минг сўмлик натижа қайд этилди. 5

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Янги президент Американинг Эквадордаги ҳарбий базасини тугатишга ваъда берди 7

Ватанимиз келажаги ишончли қўлларда

ТОШКЕНТДА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ИККИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилди.

Қурултойда "Камолот"нинг туман, шаҳар ва вилоят бўлимларидан делегатлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, маънавият-маърифат соҳаси вакиллари иштирок этди.

...Мамлакатимиз ёшларининг қурултойи бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Анжуманда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси А.Алимов ҳаракатнинг ўтган беш йил давомидаги фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Президент Ислом Каримовнинг, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзларида Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу вазифа жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Чунки мамлакатимиз, халқимиз олдида турган олий мақсадларга эришиш, Ватанимиз келажаги, энг аввало, ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб воя-га етишига боғлиқдир. Бугун ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилади. Юртбошимизнинг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Давоми 3-саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

30 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Ялпи мажлис Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини, шунингдек, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш вазифаларини изчил ҳал этишда муҳим аҳамиятга молик бир қатор қонунлар ва масалаларни муҳокама қилади.

Ялпи мажлис арафасида, 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг саккизинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги ахборотини тинглади.

Қўмиталарнинг раислари саккизинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган 2007 йилги Давлат бюджети, қонунлар ва бошқа масалалар юзасидан хулосалар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш ҳақида фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

• • •

Шу куни Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, шунингдек, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг мажлислари бўлиб, уларда сенаторлар саккизинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Умуман икки кун мобайнида Сенатнинг барча қўмиталари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган 16 та қонунни, шунингдек, парламент юқори палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Уларнинг ҳаммаси саккизинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун тавсия этилди.

Мажлисларда сенаторларнинг 2006 йилнинг ўтган даврдаги иш якунлари ҳам кўриб чиқилди ва қўмиталар фаолиятини янада такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

29 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

"Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳокама чоғида депутатлар ички ишлар идоралари ходимларининг мамлакатда жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашдаги алоҳида ролини таъкидлаган ҳолда касб байрамини — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонунни қабул қилди.

Давоми 3-саҳифада.

2

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида жорий йилнинг **28 НОЯБРИДАН 1 ДЕКАБРИГАЧА АНДИЖОН** вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги **ИЛҒОР ФЕРМЕРЛАР**нинг андижонлик мулкдорлар ва фермерликка талабгорлар билан учрашувларини ташкил этади.

Муҳаррир минбари

Янги имкониятлар даврига қадам қўймоқдамиз

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ "КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ" ҒОЯСИ ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДА ТАНЛАБ ОЛИНГАНИ ЎТАЁТГАН ҲАФТАДА ЖАҲОНДАГИ ЭНГ КЎЗГА КЎРИНГАН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, ТАҲЛИЛЧИ ВА СИЁСАТШУНОСЛАРНИНГ АСОСИЙ МАВЗУЛАРИДАН БИРИ БЎЛДИ, ДЕСАК, МУБОЛАҒА ҚИЛМАГАН БЎЛАМИЗ.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ўзининг "Фозил шаҳар одамлари қарашлари" асарида жамиятнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир инсон ўз табиатига кўра шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтожлик сезади, унинг бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, шу боис уларга эга бўлишда кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади, деб ёзади.

Кўриниб турибдики, "кишилик жамоаси", яъни фуқаролик жамияти ҳар доим, Форобий яшаган даврда ҳам энг муҳим масалалардан бири бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган Конституцион қонун лойиҳаси ҳақида сўз бораркан, унинг замирида айнан ана шу ғоя, яъни кучли фуқаролик жамияти сари ғояси ўрин олганини кўрамиз.

Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти билан танишган ҳар қандай партия аъзоси, энг аввало, сиёсий фаолият юритиш учун кенг имкониятлар майдони яратилаётганини ҳис этади.

Давоми 2-саҳифада.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши ва парламентдаги фракция аъзолари диққатига!

2006 ЙИЛ 2 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ VII МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари юзасидан кенг қамровли тарғибот-тушунтириш ишларини ташкиллаштириш ва ўтказишга оид ҳамда бошқа масалалар киритилган.

Мажлис "Темурийлар тарихи" давлат музейи биносида соат 11.00 да очилади.
Мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 27 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	963,73	1 Миср фунти	216,45	1 Польша злотийси	422,21	10 Жанубий Корея вони	13,29
1 Англия фунт стерлинги	2395,92	1 Исландия кронаси	17,65	1 СДР	1839,72	10 Япония иенаси	106,78
1 Дания кронаси	217,72	1 Канада доллари	1089,79	1 Туркия лираси	842,69	1 Россия рубли	46,52
1 БАА дирҳами	336,35	1 Хитой юани	157,58	1 Швейцария франки	1024,54	1 Украина гривнаси	244,63
1 АҚШ доллари	1235,39	1 Малайзия ринггити	340,09	1 ЕВРО	1622,19		

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ХАЛҚИМИЗ келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир

ИСТИҚЛОЛДАН-ИСТИҚБОЛГА

Фермерлар ислоҳотлар таянчидир



Бугун мамлакатимизда қўлга киритилаётган муваффақиятлар, салмоқли ютуқлар, шубҳасиз, бозор муносабатларини чуқурлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро фақат уюшган омманинг ижодий ва меҳнат имкониятларини рўёбга чиқариш, боқимандаликка чек қўйиш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш орқалигина кўзланган мақсадларга эришишимиз мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундан 15 йил аввалги фикрлаш тарзимиз, дунёқарашимиз билан бугунгисини қиёслаб бўлмайди. Ўшанда "фермер" деган сўз луғатимизда йўқ эди. Мулк эгаси бўлишни эса тасаввуримизга ҳам сиғдиролмасдик. Айни кунга келиб, 186 мингдан зиёд фермер хўжаликлари ташкил топгани, бу ислоҳотлар инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётганлигига ёрқин мисолдир.

■ **Соҳибжон ҚОБИЛОВ, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси**

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилди. Бу ўринда Президентимиз томонидан 1991 йилда қабул қилинган "Республика деҳқон (фермер) хўжалигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини тилга олиб ўтиш ўринлидир. Ушбу меъёрий ҳужжатларга асосан 1992 йилда 12213 та фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларга 201506 гектар ер ажратиб берилганди.

1998 йилда Олий Мажлис томонидан Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" ва "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши эса тармоқда туб ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди, дейиш мумкин.

2004 йил 30 августда эса янги таҳрирдаги "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Бунга қандай зарурат бор эди?

Юқоридаги қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида деҳқон ва фермер хўжаликлари бир қанча имтиёзларга эга бўлдилар. Жумладан, ташкил этилган пайтдан бошлаб улар икки йил муддатга ягона ер солиғидан, узумчилик ва боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари эса 5 йилга ягона ер солиғидан озод этилдилар. Уюшма қошида Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани, фермерларга имтиёзли кредитлар берила бошлангани ҳам алоҳида эътиборга молиқдир.

Эндиликда республика Мувофиқлаштирувчи кенгашининг рухсатисиз деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини текширишга йўл қўйилмайдиган бўлди. Фақат шугина эмас. Хорижий технологияларни олиб кирган деҳқон ва фермер хўжаликлари божхона тўловларидан озод қилиндилар. Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосан юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликлари эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармоя олиш, мева-сабзавот хом ашёси ва уларни қайта ишлашдан олинган валютанинг бир қисмини Марказий банкка сотмасдан, тегишли кооперативлар орқали бартер асосида экспорт қилиш, банклардан нақд пул маблағлари олиб фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Уюшма томонидан ташкил этилган ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб етиштирувчиларга хизмат кўрсатадиган тузилмалар беш йил муддатга даромад солиғидан озод этилди.

Шубҳасиз, бундай ҳуқуқ ва имтиёзлар деҳқон ҳамда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. 1998 йилда бундай хўжаликлар сони 23048 тани ташкил этган бўлса, айни кунга келиб улар сони 186 мингтага етди.

Ўтган давр мобайнида улар тасарруфидаги ер майдони қарийб 7 баробар кўпайганлиги, битта фермер хўжалигига ўртача 26 гектардан ер тўғри келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларда 1,4 миллион киши иш билан банд. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ихтиёрида 4,8 млн. гектар ер майдони мавжуд.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш, ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишларини ошкора, адолатли тарзда ва тендер асосида ўтказиш, уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини шакллантириш жараёнини тезлаштириш, шартнома интизоми устидан қатъий назорат ўрнатиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Шундан келиб чиқиб, жойларда тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476 сонли қарорига мувофиқ 2004-2005 йилларда республикадаги барча фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун х арид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш соҳасидаги харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш усулига ўтилди.

Таъкидлаш жоиз: айни кунда пахта ва доннинг 80 фоиздан ортиқроғи, картошканинг 96, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 84, гўшт ва сутнинг 97, тухумнинг 65 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг қарийб ярми демакдир.

Уюшмамиз тизимидаги "Қишлоқ бизнеси учун маслаҳат хизмати" унитар корхонаси 9 та туманда ўз филиалларига эга. Улар бизнес-режа тайёрлаш, замонавий комбайнлар, агрегатлар ва ишлаб чиқариш учун зарур бошқа техник воситалари ҳамда технологияларни кредит асосида харид қилишда фермерларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташқи ва ички бозорда сотишни ташкил этиш, мулкдорларни янги техника ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида Уюшмамиз қошида "AGRO-NEKTAR" шўъба корхонаси ташкил этилган.

Яқинда пойтахтимизда "Uzbekistan Agrominitech Expo-2006" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро кўргазма-савдоси доирасида имзоланган шартномалар ва келишув битимларининг салмоғи катта бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мулкдор учун барча йўллар очиқ. У ҳозирги даражага етгунча машаққатли йўлни босиб ўтди. Буни яхши биламиз, албатта. Бугунга келиб эса Ўзбекистон фермерларининг, қадди баланд. Бу эса уларга ишониш, суяниш, ислоҳотлар тақдирини улар зиммасига юклаш мумкин, деганидир. Зеро ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Ўзбек деҳқонига бўйлашадиган заҳматкаш ҳам дунёда топилмайди.

МУНОСАБАТ

Янги имкониятлар даврига қадам қўймоқдамиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Хўш, сайловлар даврида муҳтарам сайловчини ўз томонига оғдиришга, қайта-қайта ўз ғоя ва мақсадлари учун овоз беришга ундаган партияларимиз бугун ана шу имкониятлардан фойдаланишга тайёрмилар?

O'zLiDeРнинг сиёсий майдонга қадам қўйиши мамлакатдаги бошқа сиёсий кучларни ўз фаолиятларини кучайтиришга ундаган даврларни бир эсга олайлик. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган партия сифатида O'zLiDeP ўз электорати бўлмиш тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар манфаатини ҳимоя қилишда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини қай даражада бажара олаяпти?

Бугун ҳар биримиз ана шундай ҳақли саволларга жавоб қайтармоғимиз шарт. Чунки давр ўзгараяпти. Даврнинг талаблари ўзгараяпти. Ва, табиий равишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият юки ҳам оғирлашмоқда. Қонун лойиҳаси эса ана шу оғир юкни кўтариш учун партияларимизга янги куч ва имконият бераяпти, дейиш мумкин.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати ҳам борки, қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фаолияти яхлит кўринишдагина муваффақият қозониши мумкинлигини кўрсатаяпти. Яъни партия раҳбар органларидан тортиб то энг қуйи бўғингача ягона ғоя ва мақсадлар йўлида биргаликда курашган, ўз электорати, "юраги"нинг уриб туришини ҳис этган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин.

"Ҳозирги вақтда биз ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш учун интилмоқдамиз. Бу ҳаётнинг сиёсий-ижтимоий асослари бўлган демократия принципларини, кўппартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолмоқда. Барча тараққий топган демократик давлатлар босиб ўтган бу йўл биз учун ҳам ягона тўғри йўл экани ҳақида такрорлаб гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман".

Юртбошимизнинг бундан роппа-роса уч йил аввал, O'zLiDeP ташаббускор гуруҳи аъзолари билан учрашувида билдирилган ана шу фикр-мулоҳазалар бугунга келиб қонун лойиҳаси шаклида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилаётгани ҳам мамлакатимизда сиёсий соҳадаги ислоҳотлар изчиллик ва босқичма-босқичлик принциплари асосида амалга оширилаётганлигидан далолатдир.

Бугун дунёнинг энг кўзга кўринган ОАВларида Юртбошимиз ташаббусига алоҳида эътибор қаратилаётгани, биринчидан, босқичма-босқичлик принциплари асосида ривожланаётган жамиятимиз, изчиллик асосида амалга оширилаётган ислоҳотларимиз йўли тўғри танланганидан гувоҳлик берса, иккинчидан, ана шу ислоҳотлар самараси жаҳон ҳамжамияти томонидан тўла эътироф этилаётганидан далолатдир.

Қонун лойиҳалари бош ислоҳотчилик вазифасини ўз зиммасига олган давлат мамлакатда сиёсий партиялар фаоллашувидан манфаатдор эканини яна бир карра исботлаяпти. Эндиги асосий вазифа жамият тараққиётида муҳим ўрин тутадиган ана шу сиёсий институтларнинг амалий фаолиятига боғлиқдир.

Хўш, қонун кучга кирган тақдирда сайловчилар олдидаги масъулият ҳақида кўп гапираётган партияларимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари нималарга кўпроқ эътибор қаратишлари зарур бўлади? Маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг энг долзарб ва бирламчи вазифалари нималардан иборат? Янгиланаётган шароитда партиявий ишлар қай тарзда йўлга қўйилиши лозим? Амалга оширилаётган ислоҳотларда кенг аҳоли қатлами иштирокини таъминлаш учун сиёсий партиялардан нималар талаб қилинади?

Бас-ки, уйғоқлик, ён-атрофимизда ва дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, ўз электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш сиёсий партиялар фаолиятига баҳо бериш мезони экан, қонун лойиҳаси қўлида "партбилети" бўлган ҳар қандай фуқарога ана шу мезон талаблари асосида иш юритиш имкониятларини беради. Дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари ана шу қонунлар лойиҳасини миридан-сиригача ўрганаётгани, уларга юксак баҳо бераётгани бежиз эмаслигини англамоғимиз шарт. Эркинлаштириш жараёнларидаги муҳим қадам, дея баҳоланаётган мазкур лойиҳалар партияларимиз олдига ана шундай вазифаларни кўндаланг қўяётганлигини, бу эса партия аъзолари ва фаолларидан алоҳида масъулиятни, ташаббускорликни, изчил ва аниқ ҳаракатларни талаб қилишини барчамиз бирдек ҳис этмоғимиз лозим.

Яна бир муҳим далил. O'zLiDeРнинг ана шу қонунлар мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламига тушунтириш, тарғиб қилишга қаратилган қатор учрашувларида энг оддий партия аъзолари ҳам мазкур қонунлар лойиҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани унинг ҳаётийлигини, унга эҳтиёж юқори даражада эканлигини кўрсатиб турибди.

Яна бир карра таъкидлаш жоизки, партиялар учун қонун лойиҳалари имтиёз эмас, балки янги имкониятлар майдонини кенгайтираётганини, партиялар эса ана шундан келиб чиқиб, фаолият доирасини янада кенгайтиришлари лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда Зеро юксак ташкилотчилик, ён-атрофимизда ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тийрак кўз билан қараш, улар моҳиятини тўла англаш орқалигина партиялар ўз олдиларига қўйилган мақсадларига эриша оладилар.

Бошқача айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганидек **"... ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, тез суръатлар билан ҳамиша олдинга интилади. Кимки ҳаёт тараққиёти суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати".**

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ

Бундан асосий мақсад Андижон вилояти қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, бошқа вилоятдан келган фермерлар билан ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш ҳамда фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдир.

Ошкора мулоқот, дилдан суҳбат

АНДИЖОНЛИК ФЕРМЕРЛАРНИ ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

■ **Аъзам ҚОДИРОВ, Алижон МИРЗАБОЕВ**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Фарғона вилоятларидан ташриф буюрган фермерлар ҳамда O'zLiDeP фаоллари тадбир доирасида Асакадаги "ЎзДЭУавто" автомобиль заводи, Андижон шаҳридаги "Боғи Бобур" маданият ва истироҳат боғида бўлиб, вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Куннинг иккинчи ярмида Қорасув шаҳридаги янги божхона маскани — "Терминал" фаолияти ва "Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги" маҳалласида олиб борилаётган қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари кўздан кечирилди.

29 ноябрь куни эса меҳмонлар Андижон, Олтинкўл, Избоскан, Пахтаобод туманларидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари ва бўлажак фермерлар билан учрашиб, ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашишди.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятда кам рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар, агрофирмалар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш борасидаги ишларига танқидий баҳо берган эди.

Бу эса вилоят деҳқонларини мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга даъват этмоқда. Жорий йилнинг 12 октябрь куни андижонлик фермер хўжаликлари раҳбарлари ва фермерликка даъвогарлар билан ўтказилган очиқ мулоқотлар давомида бу ҳаракат вилоятда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига қараганда анча кеч бошланганлиги боис фермерларда тажриба ва малака етишмаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ушбу учрашувлардан кўзланган мақсад ҳам республикамизнинг энг илғор фермерлари билан ўзаро тажриба алмашиш, дилдан суҳбатлашиш имкониятини яратиб беришдан иборат эди.

— Ушбу тадбирнинг айнан Андижонда ташкил этилганлиги бежиз эмас, — дейди Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Соҳибжон Қобулов. — Вилоят қишлоқ хўжалигида юзага келган қолоқликни бартараф этишда фермерлар алоҳида роль ўйнаши шубҳасиз. Ҳозирча уларда фақат тажриба етишмайди, холос. Шунинг учун ҳам асосий эътиборни маҳаллий фермерларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, касбий билимларини ошириш, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида тўпланган бой тажрибаларни кенг оммалаштиришга қаратаяпмиз. Ўйлайманки, жойларда ўтказилаётган очиқ мулоқотлар, ўзаро тажриба алмашувлар ўз самарасини беради, албатта.

— Ҳақ гап, — дея суҳбатга қўшилади Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги "Баратов Ҳомид" фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Умаров. — Аввало, бугунги кун фермерининг маънавий қиёфаси қандай бўлиши керак, деган ҳақли савол туғилади. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, фақат ўз шахсий манфаатини кўзлаб, фермерликка қўл урган одамнинг келажаги йўқ. Ер билан тиллашаман, халқнинг корига яраймам, деган кишигина эл-юрт назарига тушади. Сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектлари, жумладан, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Қишлоқ мулкдорлари учун янги имкониятлар юзага келди. Ердан ризқ ундиришни ният қилган одамга яна нима керак?

Мен ҳам аввалига анча-мунча қийинчиликларни бошдан кечирганман. У кезларда таъминот ва хизмат кўрсатиш тизими бугунгидек фаол ишламас, фермернинг асосий вақти тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи идоралар остонасида ўтар эди. Мана, барча қийинчиликлар ортда қолди. Натижалар чакки эмас. Жорий йилда биргина пахтачиликнинг ўзидан 120 млн. сўмлик соф фойда олдик.

— Фермерлик ҳаракатини 1994 йилда бошлаганман, — дейди Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги "Абдулла Қодирий" фермер хўжалиги раҳбари Асадилло Бердиқулов. — Ўтган давр мобайнида кўп ўқиш, изланиш турли-туман қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Фермер, авваламбор, деҳқончилик сирларини пухта билиши, ҳисоб-китобни ўрнига қўя олиши, ўз ҳуқуқий савиясини бойитиб бориши зарур. Афсуски, кўплаб ҳамкасбларимиз масаланинг ана шу жиҳатларига етарли эътибор бермайдилар.

Олтинкўл туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Тоҳиржон Ражабов ўз фикрини қуйидагича баён этди:

— Ўтган йилга қадар қўшимча ер олиш учун кўп ҳаракат қилдим. Маҳаллий раҳбарлар иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини ҳали-ҳануз англаб етишгани йўқ. Шу боис менга ўхшаган деҳқонларнинг мурожаатлари эътиборсиз қолиб келмоқда. Очиғи — бошқа вилоятлардаги фермерларга ҳавасим келарди. Юртбошимиз ғамхўрлиги туфайли бугун Андижон деҳқонининг ҳам елкасига офтоб тегди. Ўтган йилги тендерда иштирок этиб, иккита лойиҳа бўйича ғолиб бўлдим. Ер майдонимиз 84 гектарга етди. Пахтадан 48 центнердан ҳосил етиштирдик. Бунга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Бугунги учрашувга республикамиздаги энг илғор фермерларнинг таклиф этилгани айни муддао бўлди. Уларнинг тажрибасини ўрганишимиз, муаммолар ечимини биргаликда излашимиз, шу юрт, шу Ватан равнақи йўлида бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилишимиз лозим.

Қисқа қилиб айтганда, Андижондаги учрашув ва ўзаро мулоқотлар барчада катта таассурот қолдирмоқда. Унинг иштирокчилари тадбир ташаббускори бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, Андижон вилояти ҳокимлигига самимий миннатдорлик билдирдилар ва бундай руҳдаги амалий мулоқотларни республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этиш истагини билдирдилар.

Учрашув ва мулоқотлар давом этмоқда.

ЖИСМОНАН бақувват, маънан соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди

СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҚУРУЛТОЙ

Ватанимиз келажаги ишончли қўлларда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Хусусан, ниҳоясига етаётган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастури ҳам ушбу вазифага тўлиқ жавоб беради. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунчилик базаси яратилган. Йигит-қизларимизнинг интеллектуал даражасини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишда салмоқли натижаларга эришилди. Бугунги кунда мактаблар, коллежлар, лицейлар ва олий ўқув юртларида ўқитиш жаҳон тажрибаси асосида такомиллаштирилган янги таълим стандартлари бўйича олиб борилмоқда.

Болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спортга оммавий жалб этиш бўйича ноёб уч поғонали тизим соғлом авлодни тарбиялашнинг узвий қисми ҳисобланади. У мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" мусобақаларини ўз ичига олади. Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Республикамизнинг энг чекка қишлоқ жойларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилди, спорт турлари бўйича ўнлаб секциялар ишлаб турибди. Бу ишлар самараси эса турли халқаро мусобақалар, Олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритаётган ёш спортчиларимизнинг ғалабаларида ўз аксини топмоқда.

Ушбу кенг қўламли ишлар ўсиб келаётган ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган. "Камолот" эса бу борада кўплаб кенг миқёсдаги лойиҳа ва тадбирлар ташаббускори ҳамда мувофиқлаштирувчиси бўлиши даркор. Бугун ушбу ташкилот мамлакатимизда 4,6 миллион нафардан ортиқ йигит-қизни бирлаштирувчи энг йирик жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Республиканинг барча туман ва шаҳарларида ҳаракатнинг бўлимлари мавжуд. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифа ва мақсади — ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўғил-қизларимизда миллий истиқлол ғоясига асосланган мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш, ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборатдир.

Қурултойда ўтган беш йил мобайнида ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Чунончи, республикамизда ёшларга ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга йўналтириш ва ўқитиш, иш билан таъминлашга ёрдам берадиган ижтимоий хизмат марказлари ташкил этилди. Йигит ва қизларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда билим даражасини ошириш борасида мунтазам ғамхўрлик қилинмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фестивалларр, кўргазмалар ва ижодий танловлар ўтказилаётир. Жумладан, "Камолот" аъзолари "Келажак овози", "Йилнинг энг яхши ғояси" республика танловлари, интеллектуал олимпиадаларни ўтказишда фаол иштирок этмоқда.

"Камолот" фаолиятига кирадиган соҳалардан яна бири — соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Бу иш билан барча ҳудудларда ташкил этилган ёшлар ресурс марказлари шуғулланмоқда. Бу борада маҳаллалар, ўқув юртларида семинарлар, учрашувлар ўтказилмоқда, ўқув қўлланмалари, кўргазмали тарғибот воситалари чоп этилмоқда.

"Камолот"нинг дастурий мақсадларига эришишда ёшларнинг бевосита иштирок этиш механизмлари яратилмоқда. Ушбу йўналишда ёшлар етакчиларини тайёрлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларда новаторлик кўникмаларини шакллантириш билан шуғулланадиган "Етакчи" ўқув маркази фаолият юритмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳузурида тузилган "Камалак" республика болалар ташкилотининг туман, шаҳар ва вилоятларда 4,2 миллион нафардан ортиқ мактаб ўқувчисини бирлаштирган бўлимлари ишлаб турибди. "Камалак" болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавият ва маърифат соҳаси, уларнинг жонажон ўлкамиз тарихи, маданияти бўйича билимини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу билан бирга, қурултойда сўзга чиққанлар сўнгги пайтда "Камолот" фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлиги ва улар ҳаракатнинг Низом ва Дастурида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни тўлиқ амалга ошириш имконини бермаётганини таъкидладилар. Бу, Президент Ислом Каримовнинг жорий йил 10 октябрдаги қарорида қайд этилганидек, биринчи галда, ёшларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш, уларга жамиятимизни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий янгилаш жараёнида ўз ўрнини топишда кўмаклашиш масаласига тааллуқлидир. Айрим ҳолларда ҳаракат фаолиятида расмиятчилик, тадбирларни шунчаки ҳисобот учун ўтказиш, ёшларнинг ҳаётий муаммоларидан узоқлашиш ҳолатлари кузатилмоқда, ёш етакчиларнинг қобилият ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу ёшлар, айниқса, олис туманларда яшаётган ёшларнинг "Камолот" олдига қўйилган амалий вазифалардан четда қолишига олиб келмоқда. Шунингдек, ёшлар, айниқса қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Ўқув жараёнининг сифати, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шароит яратиш ўқув юртларидаги бошланғич ташкилотлар эътиборидан четда қолмоқда. Бундан ташқари, ўқув юртларини тугатган битирувчиларни ишга жойлаштириш, ёш мутахассисларга малака оширишда кўмаклашиш борасида "Камолот" олиб бораётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Ўз ишини бошлаш истагидаги ёш фермерлар ва тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Буларнинг барчаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши, орзу-умидларини рўёбга чиқарувчи, ёшларга доир давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда уларнинг ваколатли вакили бўлиши учун ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишни талаб этади. Бу борада асосий саъй-ҳаракат мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг иштирокини кенгайтириш, уларда халқимиз маънавияти ва миллий истиқлол ғоясига ёт бўлган турли оқимларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни мамлакатимиз равнақи йўлидаги хайрли ишларга жалб қилишга қаратилиши лозим. Шу сабабли белгиланган вазифаларни амалда бажариш тизимини ташкил этиш, ёшларнинг илм- фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, давлат ва жамоат тузилмалари, ёшлар халқаро ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш даркор.

Ушбу асосий йўналишлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қурултойи делегатлари муҳокамасига ҳавола этилган янги таҳрирдаги Низом ва Дастурида ўз аксини топди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г.Аъзамова ушбу ҳужжатларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

"Камолот"нинг Низом ва Дастурига зарур ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш мақсадида ташкил этилган махсус марказга республикамизнинг турли ҳудудларида яшаётган ёшлардан 5 мингдан ортиқ таклиф тушди. Тайёрланган ушбу ҳужжатлар лойиҳаси ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари, шунингдек, махсус очилган сайтларда, ёшлар газеталари саҳифалари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда кенг муҳокама қилинди.

Янги таҳрирдаги Дастурда "Камолот" ҳаракати ўз фаолиятини амалга оширадиган олтита асосий соҳа белгилаб олинди. Улар — демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида, маънавият ва маърифат, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шунингдек, истеъдодли ва қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорлик соҳаларида фаол иштирок этишдир.

"Камолот"нинг янги Низомида ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ёрдам марказлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини ривожлантириш борасида бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилий тузилмаси, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Эндиликда унга 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳар бир йигит-қиз аъзо бўлиши мумкин.

Қурултойда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида "Ёш куч" журнали бош муҳаррири Ю.Жўраев маъруза қилди.

Қурултойга республикамизнинг турли ҳудудларидан делегат бўлиб келган ёшлар — Ўзбекистон Миллий университети "Камолот" ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси С.Жўрабоев, Жиззах шаҳридаги 22-мактаб ўқувчиси Ю.Ҳамроқулова, Наманган вилоятидан ҳарбий хизматчи Б.Исломов, ҳаракатнинг Андижон вилоят кенгаши фаоли А.Нурматов, Навоий шаҳридаги 1-гимназиянинг етакчилар кенгаши раиси Т.Турдиев ва бошқалар ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини янада яхшилаш борасидаги ўз фикр ҳамда таклифларини билдирди. Улар ўз чиқишларида Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ёш авлод вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклаши, бошланғич ташкилотлар ҳамда ёшлар ҳаракати аъзоларини янада фаол бўлишга ундашини таъкидладилар.

Делегатлар муҳокамасидан сўнг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги таҳриридаги Низоми ва Дастури қабул қилинди.

Қурултойда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши таркиби сайланди. А.Алимов Марказий кенгаш раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби А.Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.



ПАРЛАМЕНТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов тақдим этди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида солиқ тизимини янада такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш зарурлиги уқтирилди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари қонун лойиҳаси хўжалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ юкини янада камайтиришга, солиқ солиш тартибини бирхиллаштиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Депутатлар киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда қонунни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов ахборот берди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов ушбу масала юзасидан қўшимча маъруза қилди.

Мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш чоғида ҳисобот даврида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш давом эттирилганлиги, бюджет-солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини камайтирган ҳолда бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмлари мувозанатини таъминлашга қаратилганлиги, иқтисодий ўсиш ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берганлиги таъкидланди. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойидаги ижроси якунларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Муаммолар ечими партия назоратида

Учтепа туманида O`zLiDePнинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази партия туман кенгаши билан ҳамкорликда "Давра суҳбати" ўтказди.

Тадбирда солиқ тизимида кутилаётган янгиликлар ҳақида муфассал ахборот берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан тайёрланган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси тадбиркорлар иштирокида муҳокама этилаётгани давлатимиз раҳбариятининг мулкдорларга бўлган эътиборидан далолат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Маърузалардан сўнг бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда турли масалалар ўртага ташланди. Ҳал этилиши зарур бўлган кўпгина муаммолар ечими ижросини O`zLiDeP Учтепа туман кенгаши ўз назоратига олди.

Солиқ қонунчилиги мукаммал бўлсин

Аввал хабар қилинганидек, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан 7-25 ноябрь кунлари мамлакатимизнинг барча вилоятларида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди.

Ана шундай тадбирлардан бири Хоразм вилоятида бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тадбиркор ва фермерлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналари вакиллари мазкур кодекс лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

"Давра суҳбати" иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ва мустақил баён қилишлари учун ижтимоий сўровлар ўтказилди, фокус гуруҳлари ва доимий алоқа ўрнатиш учун махсус "ишонч телефонлари" ишлаб турди.

Тадбир сўнгида тадбиркор ва фермерлар томонидан билдирилган қимматли таклиф ва мулоҳазалар янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасини такомиллаштиришда, мулкдорлар манфаатларини ифода этувчи мукаммал ҳуқуқий меъёрни тайёрлашда инобатга олиниши таъкидланди.

Демократик жараён ва аёллар фаоллиги

Айни пайтда аёлларнинг демократик жараёнлардаги фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлмоқда? Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий дунёқарашини кенгайтириш учун партиялар нималар қилмоқдалар?

Мана шу каби бир қатор саволларга жавоб топиш мақсадида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими Паркент туманида "Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг ўрни" мавзуида тадбир ўтказди.

Туман аёллари ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, бандликка оид муаммоларни ҳал қилиш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги иштирокини таъминлаш масалалари "Давра суҳбати" марказига қўйилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари, Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутатлари, партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари фаоллари, корхона ва ташкилотлар, МФЙ ва ҚФЙларидаги хотин-қизлар ишлари бўйича маслаҳатчилар, коллеж ва лицейларнинг ўқувчилари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар хотин-қизларнинг жамиятда, оилада, меҳнат жамоаларида тутган ўрни ва бурчлари, шунингдек, фарзанд тарбияси, аёл ҳуқуқлари, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти, бу йўлдаги муаммо ва тўсиқлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

САНА

ҲОМИЙ — бу авваламбор, саховатли бўлиш, беғараз ёрдам бериш дегани

2006 ЙИЛ — ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

Саховат ҳеч қачон унутилмайди

БУНДАН РОСА БИР ЙИЛ МУҚАДДАМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШДА ЮРТБОШИМИЗ ЎТАЁТГАН ЙИЛНИ «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ», ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛГАНДИЛАР. ҲАДЕМАЙ, ЎША ТАРИХИЙ ДАҚИҚАЛАРГА ҲАМ БИР ЙИЛ ТЎЛАДИ

Бугун юртдошларимиз мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган минглаб сахийқалб ҳомийларни яхши биладилар. Ўтган бир йил мобайнида тиббиёт тизимида эришилган муваффақиятлар ҳам барчамизга аён. Мухбирларимизнинг ушбу қутлуғ йилда жойларда амалга оширилган ишлар ҳақидаги хушхабарлари ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Ўтган давр мобайнида БУХОРО вилоятида шифо масканлари биноларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига 900 млн. сўмдан зиёд бюджет, 400 млн. сўмдан ортиқ ҳомий ташкилотлар маблағлари сарфланди. Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали ва унинг туман бўлимларида ҳар йили 80 минг нафардан ортиқ бемор даволанмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 327 та қишлоқ врачлик пункти иш олиб бормоқда. Уларнинг 201 таси янгидан қурилган.

Шу ўринда саховатпеша ҳомийлар томонидан бажарилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Уларнинг саъй-ҳаракати билан Газли шаҳри ва Қоровулбозор туманида ҳар бири 50 ўринли, барча қулайликларга эга касалхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

●●●

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастурига асосан ХОРАЗМ вилоятида "Аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш" лойиҳаси асосида Осиё Тараққиёт банки сармояси иштирокида 6 та туғруқхона мукаммал таъмирланди. Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси лабораториясида 7 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Воҳадаги 21 та қишлоқ-врачлик амбулаторияларини қишлоқ-врачлик пунктларига айлантириш ишлари давом этмоқда. Бу ишларга бюджет маблағларидан 110,5 млн. сўм ва ҳомийлар томонидан эса 45 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Республика ихтисослашган урология маркази қуриб битказилди.

Пенсионерлар, кам таъминланган оилаларда яшовчи кўзи ожиз 28 нафар ногиронга сунъий гавҳар қўйилиб, протезлаш йўли билан реабилитация қилинди. Бунга 1,5 млн. сўм ҳомийлар маблағи сарфланди. Ижтимоий аҳамиятли беморларга эса 80,1 млн. сўмлик дори-дармонлар бепул берилди.

●●●

СУРХОНДАРЁда аҳолининг ижтимоий ночор қатламига ҳомийлик асосида ёрдам кўрсатиш ўзига хос анъанага айланди. Тиббиёт муассасалари таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Барча қулайликларга эга янги қишлоқ-врачлик пунктлари бунёд этилди.

— Ҳомийлик, саховат аслида ўзбек халқига яраша диган азалий одатдир, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К. Абдувоҳидов. — Президентимиз ташаббуси билан ўтаётган йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши саховатпеша инсонларни нафақат тиббиёт муассасаларига, балки кам таъминланган, қаровчисиз ва ногиронларга ҳам ёрдам қўлини чўзишга даъват этди. Маҳаллаларнинг инфаратузилмасини ривожлантириш, аҳолини тоза ичимли сув билан таъминлаш, ёлғиз кексалар ва ногиронларнинг уйларини таъмирлашга эътибор кучайтирилди. Қўли очиқ фермер ва тадбиркорларимиз саховат нурини сочиб, ёрдамга муҳтож кишилар кўнглига далда бўлмоқдалар. Термиз туманидаги "Сурхон воҳаси", Денов туманидаги "Лочин" фермер хўжаликлари, "Шўрчидонмаҳсулотлари", "Сурхонозиқовқатсаноати", "Сурхон комбинати" акциядорлик жамиятлари, "Тўпаланг сув омбори ва ГЭС қурилиши" МЧЖ ҳамда қатор тадбиркорлик субъектлари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида хайрли ишларни амалга ошириб, бошқаларга ўрнак бўлишди.

●●●

НАМАНГАН вилоят соғлиқни сақлаш тизимига жорий йилда 1 миллиард 573 миллион 390 минг сўм маблағ сарфланди. Унинг 895 миллион 300 минг сўми бюджет, 555 миллион 230 минг сўми ҳомийлар, 122 миллион 860 минг сўми эса ички имкониятлар ҳисобидандир.

Халқаро анъанавий Воҳидов ўқишлари илмий-амалий анжуманида хорижий давлатлардан ўнлаб олимлар иштирок этиб, вилоят тиббиёт муассасаларига юқори баҳо бердилар. Даволаш-профилактика муассасаларида жорий йилнинг 11 ойида 854 нафар врач, 3432 нафар ўрта тиббиёт ходими малака оширди. Бунинг учун бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан 111,4 миллион сўм маблағ сарфланди.

●●●

ҚАШҚАДАРЁда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастурига кўра, кўп фарзандли ва кам таъминланган 2647 та оилага 749,1 минг сўмлик 2647 бош қорамол берилди. Бундан ташқари, вилоят дастурига асосан 1864 та оилага 161,1 млн. сўмлик 3602 бош майда шохли мол, 1884 та оилага 44,4 млн. сўмлик 16018 дона парранда тарқатилди. 789 та кам таъминланган, ёлғиз кексалар, ногирон ва бокувчисини йўқотган оилаларнинг уйларида 60,2 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 472 та хонадонга оилавий тадбирлар ўтказиш учун 240 млн. сўмлик маблағ сарфланди. 61 нафар ногиронга 4,2 млн. сўмлик кўз гавҳари қўйилди, 2556 нафари сиҳатгоҳ ва профилакторияларда саломатликларини тиклашди.

●●●

САМАРҚАНД вилоятининг Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларида, Нарпай, Ургут, Булунғур туманларида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан "Саломатлик марафони" ўтказилди. 120 нафар кам таъминланган оилалар аъзолари камқонлик касаллигидан даволаниш учун махсус тайёрланган дори-дармонлар билан таъминланди ва уларга вилоят шифохоналарида имтиёзли даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Вилоятдаги 1736 нафар ёлғиз, 51668 нафар ногирон, 252902 нафар нафақадаги кишилар тўлиқ бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Булунғур туманида 95 ўринли туғруқхона биноси 74 млн. сўмлик маблағ ҳисобидан қайта таъмирланди. Пахтачи туман марказий шифохонасида 35 ўринга мўлжалланган юқумли касалликлар бўлими биноси қуриб битказилди. Бу ишлар 95 фоиз ҳомийлар ёрдами билан бажарилди. "Тез тиббий ёрдам" марказлари учун ҳомийлар ва бюджет маблағлари ҳисобидан Самарқанд, Тойлоқ, Нарпай туманларининг "Тез тиббий хизмат" бўлимларига 6 та "Дамас" автомашинаси совға қилинди.

Хабарларни Асхор ИСТАМОВ, Тузалбой РАҲИМБОЕВ, Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, Одилжон ИНОМОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВАлар тайёрлади.

АКС-САДО

Тезкор чоралар самараси

(«XXI ASR», 2006 ЙИЛ 23 НОЯБРЬ, 46(152)-СОН)

«XXI asr» газетасининг 2006 йил 23 ноябрь сонида чоп этилган "Бозорқўм учун бозор иккинчи даражалими?" сарлавҳали мақоласи юзасидан "Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси бошқаруви қуйидагиларни маълум қилади.

Мақола "Авиасозлар деҳқон бозори" очиқ акциядорлик жамиятининг раҳбар, масъул ва ишчи-ходимлари, шунингдек, жойлардаги ички ишлар, солиқ ҳамда ветеринария-санитария хизмати ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун бозор маъмурияти ходимлари томонидан туман ички ишлар бошқармаси, солиқ инспекцияси, туман ДСЭНМ, ЭКОТОЗ ходимлари билан ҳамкорликда рухсат этилмаган жойларда савдо қилаётган шахслар фаолиятига чек қўйилиб, уларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар кўрилди.

Аниқланган камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан жамиятнинг тегишли буйруғига мувофиқ жазо чоралари кўрилди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларга кейинчалик йўл қўймаслик масаласи доимий назоратга олинди.

Р. ИНОҒОМОВ,
«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.

Жамоа кафолати

"Авиасозлар деҳқон бозори" ОАЖ маъмурияти "XXI asr" газетасининг 2006 йил 23 ноябрь сонида чоп этилган "Бозорқўм учун бозор иккинчи даражалими?" сарлавҳали мақоласи бозор маъмурияти, туман давлат солиқ инспекцияси ва ИИБнинг профилактика нозири ходимлари билан (жами 57 киши) тезкор йиғилиш ўтказиб, мақолада қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мақолада кўрсатилган тартибсизликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган назоратчилар қаттиқ огоҳлантирилди, қўшимча назоратчилар, ДСИ ходимлари ва профилактика нозири бириктирилди.

Мажлис қатнашчилари мақола ва фотоайбномада тасвирланган ҳолатларни тўғри деб топдилар ва келгусида бундай ҳолатга йўл қўймасликка кафолат беришди.

Ш. ОРИФХОНОВ,
«Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖ раиси.

ТАҲРИРИЯТДАН: Шарқ қадимдан гавжум ва ораста бозорлари, хушмуомала савдогарлари билан машҳур. Минтақамизнинг энг гўзал шаҳарларидан ҳисобланмиш Тошкент бозорлари эса қадимдан файз-баракаси билан ном чиқарган. Мустақиллик йилларида эса улар ўз маҳобат ва кўрки билан донг таратмоқда. Шундай экан, кунига юз минглаб меҳмонлар қадам ранжида қилувчи бозорларимизни янада обод ва серфайз бўлиши учун барча имкониятларни ишга солишимиз барчамиз учун фарздир. Газета саҳифасида фотоайбномани эълон қилишдан мақсад ҳам камчиликларни рўкач қилиш эмас, аксинча уларни бартараф этиб, уларнинг пойтахтимиз номига мос бўлишига ҳисса қўшиш эди.,

"Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси, шунингдек, барча мутасадди идоралар ҳамда "Авиасозлар деҳқон бозори" ОАЖ жамоаси мақсадимизни тўғри тушуниб, мавжуд тартибсизликларни тезкор бартараф этганидан мамнунмиз.

Ҳудуд тартибга келтирилди

(«СУВ ЎРТАСИДАГИ ТРАНСФОРМАТОР ВА ЯНА...», «XXI ASR», 2006 ЙИЛ 9 НОЯБРЬ)

"Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси "XXI asr" газетасининг 2006 йил 9 ноябрь 44(150)-сонида чоп этилган "Сув ўртасидаги трансформатор ва яна..." мақоласини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Мақолада қайд қилинган Фарғона йўли кўчасида жойлашган "Рисовий" автомобиль йўл ўтказгичининг тагида тўпланиб ётган ахлат уюмлари Миробод ва Ҳамза туман ободонлаштириш бошқармалари томонидан олиб кетилди ва тозаланди.

"Шаҳар марказий йўллари ва сунъий иншоотларини сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш" бошқармаси томонидан ирригация ариқлари устига бетон плиталар ўрнатилиб, ёпилди ҳамда чуқурликлар тўлдирилди, санитар ҳолати яхшиланди, барча камчиликлар бартараф этилиб, "Рисовий" автомобиль йўл ўтказгичининг тагидаги ҳудуд қониқарли даражага келтирилди.

М. РИЗАШОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасининг бошқарувчиси".

БАНК ТИЗИМИ

Мижоз манфаати

УЧУН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ «ҒАЛЛАБАНК» НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

Мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик, кичик бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, уларнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Бу борада РАТБ "Ғаллабанк"ининг Навоий вилояти филиали томонидан олиб борилаётган ишлар ибратга лойиқ бўлмоқда.

Ориф ЎЛМАСОВ, «XXI asr» мухбири

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда филиал жамоаси 834 дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга самарали хизмат кўрсатиб келаяпти.

Айниқса, аҳоли бўш пул маблағларини жамғармаларга жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Натижада, 2006 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига омонатларнинг умумий қолдиғи 306,8 млн. сўмга етказилди. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг депозит базасини мустаҳкамлаш, айланма маблағларини янада кўпайишига олиб келди. Бунда банк бошқаруви томонидан янги омонат турларининг жорий этилиши, филиал жамоасининг уларни амалиётга жорий этишдаги саъй-ҳаракатлари яхши натижа бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва хусусий бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга оид фармон ҳамда қарорларини бажара бориб, филиал томонидан сўнгги уч йил давомида 2 млрд. сўмдан зиёдроқ кредитлар ажратилди. Жумладан, 2006 йилнинг ўтган даврида банкнинг ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 86 та кичик бизнес субъектларига жами 907,4 млн. сўмлик кредит ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 218,0 млн. сўмга кўп, демакдир. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ушбу маблағлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, Конимех туманида жойлашган "Конимех Оазис продукт" МЧЖга 2006 йил январда гўштни қайта ишлаш мақсадларига жами 50,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилганди. Бугунги кунга келиб, корхона тўлиқ ишга туширилди. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати халқаро андозалар даражасида эканлиги боис, нафақат маҳаллий истеъмолчиларга етказилмоқда ва айни пайтда қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига техник хизмат кўрсатишни кенгайтириш мақсадида Германия Федератив Республикасида ишлаб чиқилган "Доминатор-130" русумли 2 та ғалла ўриш комбайни олиб келиниб, лизинг асосида фермерларга берилди.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларига биринчи даражали аҳамият берилаётгани туфайли бу муҳим вазифага банклар ҳам муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, "Ғаллабанк" Навоий филиалида ҳам бу муҳим ишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу мақсадда жойлардаги пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига экинни экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олгунгача бўлган даврда молиявий томондан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинаётир. Хусусан, 2006 йил ғалла ҳосили бўйича вилоятдаги 119 та ғаллакор хўжаликлар ва фермерларга қарийб 114,9 млн. сўмлик, пахта ҳосили бўйича 130 та фермер хўжалигига 360,9 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, филиал жамоаси ўз олдига қўйган вазифаларни сидқидилдан адо этиб, мамлакатимиз иқтисодиёти, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

ГАЗЕТХОН ФИКРИ

Анвар МУРОДОВ, агроном, Оққўрғон тумани:

— Газета ким учун чиқарилади? Албатта, омма учун. Шундай экан, ҳар қандай нашр саҳифаларида халқнинг қувонч ва ташвишлари, дилидаги гаплар акс этиши лозим. "Газета — ҳаёт кўзгуси" деб бежиз айтишмайди. Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида барча оммавий ахборот воситалари қаторида «XXI asr»нинг ҳам ўз ўрни бор. Мен унинг доимий ўқувчисиман.

Газета янги нашр этила бошлаган пайтида ўзининг ранг-баранг мавзудаги чиқишлари билан кўпчиликнинг назарига тушган эди. Аммо кейинги пайтда, менинг назаримда, унинг мавзу доираси бир мунча торайиб қолгандай туюлаяпти. Ҳаммабоп мақолалар кам берилаяпти. Хусусан, маънавият мавзуи суст ёритилаяпти. Очерк, ҳикоя, бадиий асарлардан парчалар деярли эълон қилинмаяпти. Партия ҳаётига оид материалларда юзакичилик бор. Тўғри, газета — партиянинг нашри. Лекин у кенг оммага мўлжалланганини ҳам унутмаслик лозим.

Танқидий чиқишларнинг таъсирчанлигини таъминлаш лозим. Айрим ижодий ташаббуслар охирига етказилмаётир. Газета саҳифаларида "Менга сўз беринг!", "Мулоқот", "Сиз нима дейсиз?" каби рукнлар очилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

АДОЛАТ хатти-ҳаракатларимиз ва ҳар қандай истакларимизнинг асоси бўлмоғи лозим

ВАЗИЯТГА НАЗАР

ОҒРИҚ НУҚТАГА

Оқни қора деб бўлади... ми?

ЁКИ ТАНИҚЛИ ХОНАНДА ЮЛДУЗ УСМОНОВАНИНГ КОНЦЕРТИ ШИФОХОНА ОМБОРЧИСИ ТАҚДИРИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪСИР КЎРСАТГАНИ ХУСУСИДА

Кишидан омад юз ўгирса, қувончли воқеа ҳам ташвиш олиб келаркан. Бундан роса тўрт йил муқаддам Паркентда машҳур хонандамиз катта концерт берди. Минглаб мухлис мириқиб ҳордиқ чиқарди. Аммо орадан кўп ўтмай, тумандаги юқумли касалликлар шифохонасининг хўжалик ишлари мудири ишдан бўшатилди.

Темур АБДУРАҲМОНОВ, «XXI asr»нинг махсус мухбири



Дилшод Шоназаровни Паркентда кўпчилик яхши танийди. Туманнинг Қорақалпоқ қишлоғида туғилиб ўсган бу йигит 13 йилдан буён юқорида қайд этилган шифохонада ошпаз, хўжалик ишлари мудири бўлиб ишлаб келган. Вазифаси тақозосига кўра талай корхона ва ташкилотлар билан яқин алоқада бўлган. Хушмуомала, киришимли йигит ҳақида "ишдан бўшатилибди", "устидан жиноят иши қўзғатилибди", деган гаплар тарқалганида, кўпчилик ҳайрон бўлди.

Лекин туман марказий шифохонаси бош врачининг буйруғи билан 2002 йилнинг 22 августида ишдан бўшатилгани рост. Аммо "жиноят иши қўзғатилгани" шунчаки миш-миш, холос. Бу ёғи, энди, ўзбекчилик...

— Аслида шифохона бош врачи билан муносабатимизнинг бузилишига туманимизда ташкил этилган концерт сабабчи бўлди, — дейди таҳририятга ёрдам сўраб, ариза билан мурожаат этган муштарий Дилшод Шоназаров. — Ушбу воқеа арафасида раҳбаримиз ҳузурига чақириб, қўлимга 40 дона чипта тутқазди.

— Ҳадемай Паркентга машҳур эстрада хонандаси ташриф буюради. Мана шу чипталарни ходимларимизга тарқатинг. Нархи 1000 сўмдан.

Аммо қўшиқчи қанчалик номдор бўлмасин, чипталардан фақат 7 донасини сотолдим, холос. Қолганини бухгалтерияга топширдим. Маош бериладиган куни билсам, қолган 33 минг сўмлик чипта пулини иш ҳақимдан чегириб қолишибди. Очиғи, жаҳлим чиқди. Бош шифокорга кириб, норози эканлигимни айтдим-у балога қолдим.

— Хоҳласанг, шу, хоҳламасанг, ишдан бўша, — деди у. — Шунча меҳнатимни қадрлаш ўрнига бундай қўпол муомала қилингани ёқмади. Аразлаб, уйга кетдим.

Хуллас, 2002 йилнинг 28 августида ТМШ бош шифокорининг буйруғи билан ўзаро меҳнат шартномаси бир томонлама бекор қилинади. Эртасига шифохона иқтисодчиси А. Тожибоев бошчилигида ва катта ҳамшира З. Хўжаева иштирокида омборхонадаги озиқ-овқат маҳсулотлари касалхонада ҳайдовчи бўлиб ишлаётган И. Аҳмедовга топширилади. Раҳбариятга тақдим этилган далолатномада арзимаган камомад қайд этилади.

— Орадан бир ҳафта ўтгач, яна А. Тожибоев бошчилигида 7 кишилик комиссия томонидан янгидан далолатнома тузилиб, унда 31,325 кг. гўшт етишмаслиги қайд этилибди (кейинчалик бу ҳужжат туман прокуратурасига ҳам тақдим қилинган). Воқеадан хабар топиб, туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат этдим.

Масалани ўрганиб чиққан Паркент тумани ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими инспектори Н. Ғойибназаров шундай қарорга келади:

1. Паркент ТМШ бош врачининг 2002 йил 28 августдаги 143-параграф белгиси 1 сонли буйруғи ғайриқонуний чиқарилгани учун бекор қилинсин.

2. Д. Шоназаров ЎзР Меҳнат кодексининг III моддасига зид равишда ишдан бўшатилгани учун ўн кунлик муҳлатда аввалги иш жойига тикланиши лозим.

27.01.03.

Туман ҳокимлиги бўлими ваколатли ходимининг хулосасини шифохона раҳбарияти инобатга олмагач, Д. Шоназаров Чирчиқ туманлараро фуқаролик судига мурожаат этишга мажбур бўлди. 2003 йилнинг 19 июнида даъвони кўриб чиққан суд Паркент туман марказий шифохонасидан Д. Шоназаров фойдасига 658 минг сўм моддий, 3 млн. сўм маънавий зарар ундириш ва уни ўз вазифасига қайта тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

ТМШ бош врачи М. Абдуллаев 2003 йилнинг 10 июлида суднинг ушбу ҳал қилув қарорига асосан Д. Шоназаровни "қайта тиклаш" ҳақида буйруқ (III-, параграф 21) чиқаради. Аммо, негадир, у буйруқлар китобида қайд этилмайди. Кейинчалик навбатдаги суд суриштируви жараёнида аниқланишича, ушбу сонли буйруқ жарроҳлик бўлими ҳамшираси Эшонхўжаевага наркотик дори-дармонлар бўйича жавобгар этиб тайинлаш ҳақида эканлиги маълум бўлади.

Бу ўйиндан хабари йўқ даъвогар "ниҳоят ҳақиқат қарор топди" дея қувониб юрганида, Паркент туман прокуратураси фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига жавобгар Д. Шоназаровдан 62 минг 250 сўм миқдорида ТМШга етказилган камомадни ундириш ҳақида 2003 йилнинг 13 мартида даъво аризаси киритади. Суд даъвони кўриб чиқиб, "биринчи суд инстанцияси ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, Паркент тумани прокурори кассация протестини қаноатлантирмасдан қолдириш", тўғрисида ажрим чиқаради. Орадан кўп ўтмай, туман марказий шифохонаси ҳам вилоят судига апелляция тартибида шикоят билан мурожаат этади. Бу сафар фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг судлов ҳайъати Д. Шоназаров фойдасига 200 минг сўм маънавий зарар ундиришни белгилайди. Ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдирди. Бу орада туман марказий касалхонаси бош врачи Д. Шоназаровга нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида қарши даъво киритади. З. Абдураҳимов раислигидаги ҳайъат уни кўрмасдан қолдириш ҳақида ажрим чиқаради.

Дилшод Шоназаров эса, охири республика Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Олий судга арз қилишга мажбур бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судидан Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси Ж.И. Балкибаева имзоси билан 2004 йилнинг 3 декабрида Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раиси К.У. Саидовга йўлланган қуйидаги расмий хатни олди: "Д. Шоназаровнинг шикояти Ўзбекистон Республикаси ФПК 348-3-моддаси талабига мувофиқ кассация тартибида расмийлаштириш масаласини ҳал қилиш учун юборилмоқда.

Натижаси ҳақида шикоят муаллифига ва Адлия вазирлигига тегишли тартибда маълум қилишингиз сўралади".

Афсуски, ушбу масала судда кўрилмади.

"Баҳсли иш"дан вилоят суди ҳам "зерикди" шекилли, Олий суд сўровидан осонгина қутулиш йўлини топди. Ушбу суд раиси Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раёсатига назорат тартибида протест киритди. Унда, жумладан шундай дейилади: "Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг даъвогар Д. Шоназаровнинг Паркент марказий шифохонасига нисбатан ишга тиклаш, иш ҳақини, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича 2003 йил 19 июлдаги ҳал қилув қарори ва Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2003 йил 24 сентябрдаги мазкур иш юзасидан чиқарган ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишни сўрайман".

Шу ўринда Д. Шоназаровга тақдим этилган, Судлар Департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи Б.И. Алматов имзолаган қуйидаги расмий хатни келтириб ўтиш лозимга ўхшайди. Унда, жумладан, шундай дейилган: "Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2003 йил 19 июндаги қарорига асосан Сизни Паркент туман Марказий касалхонасига ишга тиклаш ҳамда фойдангизга 658000 сўм моддий, 3000000 сўм маънавий зарар ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари Паркент туман суд ижрочилар бўлинмаси иш юритувига 2003 йил 22 октябрда келиб тушган ва шу куни ижро иши юритишни қўзғатиш ҳақида қарор чиқарилган.

Суд ижрочилари томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб, қарор ижросини ихтиёрий равишда бажармаганлиги сабабли қарздор — Паркент туман Марказий касалхонаси бош врачи М. Абдуллаев "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 82-моддасига асосан 48520 сўмда жарима жазосига тортилиб, шу куннинг ўзида қарздор Паркент туман Марказий касалхонасига тегишли "Москвич" АЗЛК русумли давлат белгиси 11 АС 711 бўлган автомашинаси ва "Нива" русумли ВАЗ-2121 давлат белгиси 11 АС 712 бўлган автомашинаси рўйхатга олиниб, баҳолаб сотиш чоралари кўрилаётганлиги, қарор ижросини ишга тиклаш қисми юзасидан Паркент туман Марказий касалхонаси бош врачи томонидан қарор ижросини бажаришдан қасддан бўйин товлаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилишлик учун тегишли ҳужжатлар 2004 йил 21 январда Паркент туман прокуратурасига юборилганлиги маълум қилинади".

Ушбу хатга 2004 йилнинг 23 январь санаси қўйилган.

Яна бир ҳужжат — Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раиси К.У. Саидовнинг Паркент тумани Марказий шифохонаси бош врачи М. Абдуллаевга 2004 йилнинг 6 январида йўллаган расмий хатида эса бундай дейилади: "Сизнинг даъвогар Д. Шоназаровнинг Паркент туман Марказий шифохонасига нисбатан ишга тиклаш, иш ҳақини, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги фуқаролик ишлари юзасидан чиқарилган суд қарорларидан норози бўлиб ёзган шикоятингиз фуқаролик иши ҳужжатлари билан биргаликда текшириб чиқилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раиси томонидан мазкур фуқаролик иши юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2003 йил 19 июлдаги ҳал қилув қарори ва фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2003 йил 24 сентябрдаги ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юбориш тўғрисида Тошкент вилоят суди раёсатига протест келтирилди".

Бу ҳақда негадир Д. Шоназаровга ҳеч қандай расмий хабар йўлланмади.

Суд раисининг 2004 йилнинг 5 мартида Паркент туман юридик маслаҳатхона адвокати У.Н. Пайзиевага йўллаган хатининг хулоса қисмида эса: "Ишдаги ҳолатларга қараганда, Д. Шоназаров томонидан камомад содир қилинганлигини исботловчи ҳужжатлар бўлмасдан туриб, меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Қайд этилган ҳолатлар даъвогар Шоназаров амалдаги меҳнат қонуни талабларига риоя этилмаган ҳолда ишдан бўшатилганидан далолат беради. Бундан ташқари, даъвогарнинг иш фаолиятидаги камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмаган.

Бундай ҳолатда иш бўйича протест келтиришга ва шикоятни қаноатлантиришга асос йўқдир".

Демак, Д. Шоназаровнинг ишдан ноқонуний бўшатилгани факт. Унда нега у шунча вақтдан буён сарсон-саргардон бўлиб юрибди? Нега суднинг турли инстанциялари мавжуд ҳолатга турлича баҳо беришаяпти?

Ниҳоят мақсадга кўчсак. Биз юқоридаги расмий хатлар ва уларга қўйилган саналарни бежиз келтирмадик. Агар эътибор берсангиз, суд раиси уларнинг бирида М. Абдуллаевни, иккинчисида Д. Шоназаровни, боз устига бир пайтлар ўзи раҳбарлик қилаётган маҳкаманинг бир неча судьяси қарор ва ажримларини бекор қилаяпти. Судлар департаменти бўлинма бошлиғининг хатидан маълум бўлишича, суд қарори иш юритувчига орадан уч ой ўтгач, етиб келади ва орадан яна шунча вақт ўтгач, бу ҳақда даъвогарга маълум қилинаяпти. Наҳотки, деярли бир соҳа идоралари бир-бирининг хатти-ҳаракатидан хабардор бўлмасалар? Нима бўлганда ҳам бундай ҳолатни оддий фуқаро тушуниб етиши мушкул.

Биз Д. Шоназаровни оппоқ қилиб кўрсатиш фикридан йироқмиз. "Ҳужжатлар билан исботланмаган бўлса-да", айби бўлса бордир. Аммо гап бунда ҳам эмас. Гап шундаки, ўтган давр мобайнида Адлия вазирлиги, судлар, прокуратура, судлар департаменти каби нуфузли идоралар вакилларининг қанча қимматли вақтлари оддий бир ҳолатни "аниқлаш"га кетгани, давлатнинг қанчаданқанча маблағи сарф бўлганида.

Хўш, бунинг учун ким жавоб беради?

АКС-САДО

"Вилоят прокуратураси томонидан газетанинг 26 октябрь кунги сонида чоп этилган "Бузмоқ бору қурмоқ йўқ..." сарлавҳали мақолада танқид қилинган Оқдарё туманининг собиқ Р. Ҳамроев номли хўжалигида жойлашган стадион тўсинлари кесиб олиб кетилганлиги, теннис корти ўрнида тўйхона қурилиши мўлжалланаётганлиги ва бошқа ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказилди.

Стадион бузилмайдиган бўлди

(«БУЗМОҚ БОРУ ҚУРМОҚ ЙЎҚ...», «XXI ASR», 2006 ЙИЛ 26 ОКТЯБРЬ)

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607 сонли қарори ва Самарқанд вилоят ҳокимининг 2004 йил 28 декабрдаги 266-қ сонли ҳамда Оқдарё туман ҳокимининг 2004 йил 21 декабрдаги 702-қ қарорлари билан Р. Ҳамроев номли ширкат хўжалиги тугатилган. Туман ҳокимининг 2006 йил 30 сентябрдаги 830-қ сонли қарорига асосан мазкур хўжалик ҳудудидаги ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш мақсадида хўжалик балансидаги 810 кв.м., 513,4 минг сўмлик теннис майдони ҳамда унинг атрофидаги 300 кв.м., баланс қиймати 40,8 минг сўмлик панжаралар тумандаги "Бошдархон" фуқаролар йиғини балансига ўтказилган.

Ушбу теннис майдончасини муҳофаза қилиш учун ўрнатилган панжаралар маҳалла фуқаролар йиғинидан тегишли рухсат олинмасдан, 40-мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари И. Комилов томонидан бузиб олиниб, фуқаро Р. Худойбердиевнинг уйига қайта таъмирлаш учун олиб борилган. Айни пайтда Р. Худойбердиев уйида бўлган 50 дона панжара олиниб, "Бошдархон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т. Ҳамроевга топширилган ва уларни жойига ўрнатиш чоралари кўрилди.

"Бошдархон" маҳалла фуқаролар йиғини балансида бўлган, қаровсиз қолдирилган теннис майдони 2006 йил 29 май куни шу маҳаллада яшовчи фуқаро Ф. Мажидовга теннис майдони спорт ва маданий-маиший тадбирлар ўтказиш учун шахсий маблағи ҳисобидан таъмирлаш, майдондан фойдаланганлиги учун солиқ тўловларини тўлаб бориш, ижара ёки сотишга йўл қўймаслик ҳамда теннис майдони атрофини девор билан ўраш мажбуриятлари юклатилган. Ҳозир теннис майдонида ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, туман ҳокимининг 2005 йил 30 декабрдаги 830-қ сонли қарорининг биринчи иловасига асосан собиқ Р. Ҳамроев номли ширкат хўжалиги балансида бўлган 2 млн. 53.6 минг сўмлик футбол майдони ҳамда унинг атрофидаги 1200 кв.м., 415,2 минг сўмлик асосий воситалар туман халқ таълими бўлими балансига ўтказилган ва халқ таълими бўлимига қарашли 40 сонли мактаб жавобгарлигидадир. Айни пайтда мактаб ўқувчилари бу ерда спорт машғулотлари ўтказмоқдалар.

Мақолада тумандаги собиқ хўжалик марказида уруш қатнашчилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик майдонидаги мармар плиталари кўчириб кетилганлиги ҳолати юзасидан ўтказилган текшириш чоғида ҳақиқатда ҳам плиталар кўчиб, майдон қаровсиз қолдирилганлиги аниқланди. "Бошдархон" маҳалла фуқаролар йиғинининг 2006 йил 15 мартдаги йиғилиши қарорига асосан фуқаро С. Қосимовга бу ерни ободонлаштириш ва қайта таъмирлаш учун берилган ва ҳозирги кунда ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Оқдарё туман прокурори томонидан туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилди.

Х. ҚУРБОНОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

Лоқайдлик — тараққиёт тушови, деган нақл бежиз айтилмаган. Фаол одамлар эса лоқайдлик душманидирлар. Оқдарёдаги болалар спорти учун масъул ҳисобланган мутасаддилар лоқайдлиги туфайли ночор аҳволга келиб қолган теннис майдони ва спорт мажмуаси айнан "Бошдархон" фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи **Сайфиддин ота Зайниддинов, Дилбар Эшмуродова,** мактаб ўқитувчиси **Мукамбар Раҳмадова** каби жонкуяр инсонлар саъй-ҳаракати, ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадида газета мухбирларига мурожаат этганликлари туфайли қишлоқ болалари яна спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

Газета чиқишига тезкор муносабат билдириб, давлат аҳамиятига молик ишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун эса Республика ҳамда Самарқанд вилоят прокуратурасига миннатдорлик билдирамиз.

ТАҲРИРИЯТ

МУЛОҲАЗА

ҲАЛОЛЛИК энг яхши ва айни пайтда энг тўғри фаолият тарзидир

ВАЗИЯТГА НАЗАР

Ижро варақасига эътибор ноль

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ АЙРИМ СУД ИЖРОЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИГА АНА ШУНДАЙ БАҲО БЕРИШ МУМКИН

— Ўтган йилнинг май ойида "Пастдарғом шароб савдо" ихтисослашган базаси ҳисобидан "М.А.Ховренко" номидаги Самарқанд вино комбинати ОАЖ фойдасига 15.885,370 сўм ундириш белгиланган эди, — дейди Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси Абдураҳмон Шукуров.

■ Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбири



— Ижро варақаси мажбурий ижро этиш учун туман суд ижрочилари бўлимига юборилган бўлишига қарамай, суд ижрочиси Б. Ғаффоров маблағни ундириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Орадан икки ой ўтгач, суд қарори туман суд ижрочиларига қайтадан юборилди. Аммо туман суд ижрочиси Б.Ғаффоров бу ташвишдан биратўла қутулиб қўя қолиш мақсадида "Ижро ҳужжатини қайтариш ва тамомлаш тўғрисида" қарор қабул қилиб қўя қолади.

Суд ижрочининг ундирувни қайтариш тўғрисидаги қарорини бекор қилиб, ижро ишини давом эттириш тўғрисида қарор, қилди.

Яна бир мисол. Иштихон туманидаги "Ал-Носир" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги 136.354.594 сўмлик боқиманда қарзини мол-мулки ҳисобидан мажбурий ундириш тўғрисида хўжалик судининг қарори бор эди. Аммо судлар департаменти вилоят ҳудудий бўлими катта инспектори Д. Абдуназаров корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамида мавжуд бўлган маблағни аниқламасдан, қонун талабларига зид бўлса-да, ундирувни тайёр маҳсулотга қаратади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 47-, 60-моддалари талабига кўра ижро ҳужжати бўйича ундирилаётган маблағ, аввало, қарздорнинг сўм ва чет эл валютасидаги маблағлари ёки бошқа қимматбаҳо буюмларига, иккинчи навбатда тайёр маҳсулотларга қаратилиши лозим эди. Аммо Д. Абдуназаров фаолияти ҳеч қаерда қайд этилмаган "Замира она" хусусий корхонаси билан шартнома тузиб, юк хатларисиз, фақатгина туман суд ижрочиси Р. Имомов ва корхона раҳбари В. Сулеймановлар иштирокида далолатнома тузиб, тайёр маҳсулот, яъни 50706000 сўмлик 62,600 кг. пахта ёғининг ҳар кг.ни 810 сўмдан баҳолаб, корхона омборхонасидан чиқариб юборган. Ҳолбуки, ушбу сотувга чиқариб юборилган пахта ёғининг яроқлилиги бўйича на экспертиза тайинланган, на бозор баҳоси ўрганилган, на тегишли мутахассислар хулосаси олинган. Томонлар ўртасида имзоланган шартнома бандларига умуман амал қилинмаган. Бундан ташқари, пахта ёғи килограммлаб эмас, литрларда ўлчанишини ҳамда 1 кг. пахта ёғи 1 литру 250 граммни ташкил этиши ҳисобга олинмаган. Боз устига, ушбу савдо пуллари шартнома орқали "Замира она" хусусий корхонасидан махсус ҳисоб рақамга келиб тушмаган бўлса-да, 2005 йилнинг 5 августида 14.539.500 сўмлик 17.950 кг. ва 23 августида 17.548.650 сўмлик 21.665 кг, жами бўлиб 32.088.150 сўмлик пахта ёғини корхона раҳбари Ш. Муллажоновга бериб юборган. Бу билан катта инспектор Д. Абдуназаров ўз мансабидан қасддан фойдаланиб, давлат бюджетига катта миқдорда моддий зарар етказган.

Суд ижрочилари департаменти вилоят ҳудудий бўлимининг катта инспектори Д. Абдуназаров ЎзР ЖКнинг 205-моддасининг 2-қисми А-банди билан ҳамда "Замира она" хусусий корхонаси раҳбари Ш. Муллажоновга нисбатан ЎзР ЖКнинг 167-моддасининг 3-қисми А-банди билан жиноят иши қўзғатилиб, вилоят прокуратураси томонидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Агар юқоридаги каби ҳолатларнинг юзага келишига суд тизимига алоқадор идора вакиллари сабабчи бўлишмаганида, бу ҳақда атрофлича тўхталишга эҳтиёж ҳам бўлмасди.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш давомида экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси конституцияси XII боб, 54-модда.

БИРЖА ФАОЛИЯТИ

Миллиардларнинг эгаси бор

УЛАР РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОРҚАЛИ МУЛКДОР БЎЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРДИР

РКМБда 2006 йилнинг июлидан бошлаб ўтказилаётган савдолар биржа аъзолари ва акциядорлар томонидан жорий қилинган янги тартиб-қоидалар асосида ўтказилмоқда. Натижада брокер ва харидорлар биржа бюллетенига киритилган мулклар билан кенгроқ танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Давлат ва нодавлат мулклари бўйича савдолар аниқ вақтларда ўтказиладиган, ҳар бир брокер эса савдоларда ўз коди ва пароли орқали мустақил қатнашадиган бўлди.

■ Аъзамжон ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Илгари ҳар бир объект учун 10-15 дақиқа вақт ажратилар, бу эса савдо жараёнини чуқур таҳлил қилиш учун камлик қилар эди. Янги тартиб бўйича брокерлар белгиланган 3 соат давомида савдо бюллетенига киритилган объектни сотиб олиш учун ўз нархларини таклиф этишлари, савдо жараёнини бемалол кузатишлари ва шу асосда тегишли хулосалар чиқаришлари мумкин. Натижада нархларнинг эркин шаклланишига кенг йўл очилаяпти. Хусусан, давлат объектларини сотиб олиш учун савдоклиринг хизмати жорий қилинганлиги биржа комиссион тўлови, брокер хизмати ва тегишли гаров пули тўланишини кафолатлаш билан бирга савдо жараёнида нарх-навонинг сунъий равишда манипуляция қилиниши кўтарилишига чек қўймоқда.

Биржа ходимларининг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароит яратилган. Жумладан, замонавий техника воситалари уларнинг мушкулини осон қилмоқда.

2005 йил давомида давлат мулки бўйича 328 млн. 137 минг сўмлик, нодавлат мулк бўйича 2 млрд. 398 млн. 486 минг сўмлик савдо-сотиқ ишлари амалга оширилди.- Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 72 та, давлат мулки бўйича 127 млн. 105 минг сўмлик, 827 та нодавлат мулк бўйича 2 млрд. 622 млн. 630 минг сўмлик натижа қайд этилди.

Мулкни Давлат тасарруфидан чиқариш, уни ҳақиқий ишбилармон ва тадбиркорларга топшириш иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу талабдан келиб чиқилиб, филиалда бирталай ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш диққат марказида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2005-2006 йилларда корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори хусусий секторни жадал ривожлантириш, ушбу секторнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш, хўжалик жамиятларининг низом жамғармаларидаги давлат улушини тубдан қисқартиришда алоҳида ўрин тутади. Унда давлатнинг жойлаштирилмаган активлари тўлалигича хусусий мулк қилиб сотиладиган, шунингдек, давлатнинг жойлаштирилмаган активлари инвестицион мажбуриятлар эвазига танлов асосида бепул берилиши таклиф этиладиган низом жамғармасига акциялар, улушларнинг 51 ва ундан кўпроқ фоизи давлат мулки бўлиб қоладиган стратегик аҳамиятга молик корхона ва объектлар рўйхати келтирилган. Шу асосда филиал томонидан ҳозиргача 29 та объект марказлашган электрон биржа савдолари орқали 382 млн. 179,89 минг сўмга сотилди.

Хусусийлаштирилган корхона ва ташкилотларда ишни янгича ташкил қилиш, қўшимча иш ўринлари яратиш, моддий манфаатдорликни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Андижон шаҳрида жойлашган "3 сонли кўчма механизациялашган колонна" масъулияти чекланган жамияти Низом жамғармасининг 25 фоизлик давлат улуши сотилди. 2004 йилда бу ерда 137 нафар ходим фаолият кўрсатган бўлса, 2006 йилга келиб қўшимча 41 та иш ўрин яратилди. 2005 йилда 349 млн. сўмлик иш бажарилиб, 8 млн. сўм соф фойда олинган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи давомида 128 млн. сўмлик натижа қайд этилди.

"Андижонхўжаликларолойиҳа" масъулияти чекланган жамиятининг давлат улуши биржа савдоси орқали хусусийлаштирилган. Ушбу жамият қурувчи ва мутахассислар ишларини амалга оширишда фаоллик кўрсатишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан жойларда замонавий лицей ва янги мактаб бинолари қад кўтараётганлиги фикримиз далилидир. 2004 йилда ўртача ойлик маош 61,495 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 85,142 минг сўмга етган.

"Полвонтош пойафзал" масъулияти чекланган жамияти фаолияти 1996 йилдан буён тўхтаб қолган эди. Унинг 25 фоиз давлат улуши биржа савдосида сотилгач, вазият ўзгарди. Янги мулк эгалари томонидан катта миқдорда инвестиция киритилганлиги туфайли корхона яна ўз қаддини тиклаб олди. Қўшимча 98 та ишчи ўрни яратилди. Яқин келажакда корхонани тубдан реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда.

Аукцион савдоларида аҳолининг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида савдолар бевосита сотувга қўйилган мулклар жойлашган шаҳар, туманларда ташкил этилаяпти. Президентимизнинг "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган дастурга асосан кўплаб давлат объектлари ва улушларини биржа ҳамда биржадан ташқари савдолар орқали сотиш кўзда тутилмоқда.

«XXI ASR» ХАТҚҮТИСИДАН

Жавобларни «ALAFIA» адвокатлик фирмасининг адвокати Акром БЕРДИМУРОДОВ тайёрлади

Афсус қилманг, муддатингиз тугади!

"Фарғоналик бир танишимдан машина сотиб олгандим. У менга сотиш ҳуқуқи билан уч йил муддатга ишончнома ҳам берганди. Яқинда ўша танишим вафот этиб қолди. Бу орада, ишончнома муддати ҳам ўтиб, энди нима қилишимни билмаяпман. Маслаҳат берсангиз...

Хуршид ЖОНИБЕКОВ. Қўқон шаҳри".

Сиз ўз вақтида машинангизни расмийлаштириб олишингиз керак эди. Начора... энди машинага нисбатан барча ҳуқуқларингиз ўз-ўзидан йўқолади. Машинага бўлган ҳуқуқларингизни қайта тиклаш учун эса судга мурожаат қилишдан бошқа чорангиз қолмайди.

Хоҳлаган нархимга сотсам бўладими?

"Бундан икки йил аввал туман бозори ёнида дўкон қуриб, савдо билан шуғуллана бошлагандим. Энди эса уни сотмоқчиман. Нотариус идорасида мендан кадастр хизмати берган нарх ҳақидаги маълумотномани сўрашди. Унда кўрсатилган нарх эса харидорни қониқтирмаяпти. Мен дўконни ўзим хоҳлаган нархга сота олмайманми?

Шодиқул ЖУМАЕВ. Пахтакор тумани".

— Нотариус сиздан ушбу маълумотномани олдисотди шартномасини расмийлаштириш учун тўланадиган давлат бадалининг миқдорини аниқлаш учун сўраган.

Қоидага кўра, хусусий мулк нархи сотувчи ва харидор ўртасида келишилган ҳолда белгиланади. "Нархлаш фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ нарх давлатга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган иншоотлар сотилаётган ҳолатлардагина чиқарилади. Хуллас, сизнинг дўконингизга ҳеч ким аниқ нарх белгилаб беролмайди.

Сигир эгалари албатта жазоланади!

"Фермер хўжалигимиздаги 15 гектар ерга буғдой экканман. Сўнгги вақтларда қўшни қишлоқ одамлари ўз сигирларини, билиб-билмай, экинзорга киритиб юбораяптилар. Мен уларни бир неча маротаба огоҳлантирдим. Экинзорларни пайҳон қилганлик учун қонунда бирон жавобгарлик белгиланганмидир, ахир. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Абдували ШАМСИЕВ. Тошкент вилояти".

— Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларни шикастлантиришда айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Яъни чорва моллари ёки паррандалар хўжалик экинзорларини пайҳон қилса, оддий фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир баробаригача, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан икки баробаригача жарима солинади.

Хазина топганга мукофот нақд

"Топилган хазина тарихий ва маданий қимматга эга бўлса, у давлат ихтиёрига топширилади?

Равшан ХОЛМУРОДОВ. Самарқанд вилояти".

— Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирувчи ашёлардан иборат хазина давлат мулки ҳисобланади. Бунда хазина сақланган ер майдони ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ҳамда уни топган шахс биргаликда хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот оладилар.

Умуман, хазинани у яшириб қўйилган мол-мулк эгасининг розилигисиз қазишма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс топиб олса, унга мукофот тўланмайди ва хазина батамом мулкдорнинг ихтиёрига ўтади.

Юқоридаги қоида хизмат вазифасини адо этаётиб, қазишма ишларини олиб борган ва хазина изловчи шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

Биз Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан доимо мамнунмиз. Марҳамат, саволларингизни қуйидаги манзилга йўллашингиз мумкин: 700051, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 73а-уй. Мурожаат учун телефон: 55-70-16.

ҲЕЧ НАРСА ҳамма вақт яхши бўлолмайди, чунки ўша яхши ҳам ўзининг чексиз яхшилигидан адойи тамом бўлади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЛАТВИЯ

Қамал шароитидаги саммит

• ТАДБИРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ЛАТВИЯ ЎЗ БЮДЖЕТИДАН 40 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИ САРФЛАДИ.

• БЕШ МИНГ НАФАР ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ МЕҲМОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЎН МИНГ НАФАР ПОЛИЦИЯЧИ ВА ҲАРБИЙЛАР САФАРБАР ҚИЛИНДИ.

НАТОнинг Ригада бўлиб ўтган учрашувига халқаро кузатувчилар ана шундай ном бердилар. 28-29 ноябрь кунлари саммит иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш учун жиддий тайёргарлик кўрилди: кўчалар тўсилди, уйлар томини снайперлар эгаллади. 9 нафар президент, 16 нафар ҳукумат раҳбари ва 5 минг нафар юқори мартабали меҳмонларни қўриқлаш учун Болтиқ соҳилидаги Рига шаҳрига 10 минг нафар полиция ходими, ҳарбийлар ва махсус хизмат вакиллари жалб этилдилар. Эстониядан Ригага 6 та бронемашина, Франциядан 2 та "Авакс" русумидаги айғоқчи самолёт жўнатилгани ва учрашув ўтказилган кунлари маҳаллий газеталарнинг чоп этилмагани хавфсизлик чораларига нечоғли катта эътибор қаратилганидан далолатдир.

■ Шерзод ЭРАЛИЕВ тайёрлади

ХОЛИС ФИКР

Табиийки, Латвия пойтахтида бўлиб ўтган ушбу саммит ҳарбий эксперт-лар, сиёсатчилар ва шарҳловчиларнинг диққат марказида бўлди. Учрашувнинг Афғонистондаги аксилтеррор амалиётлари боши берк кўчага кириб қолган, халқаро каолиция қўшинлари Ироқдан бирин-кетин чиқиб кетишга қарор қилган бир шароитда ўтказилиши унга нисбатан қизиқишни янада кучайтирди. Саммитга Украина, Грузия ва, ҳатто, "иттифоққа аъзо бўлишга расмий номзод"лар — Албания, Хорватия ва Македония вакилларининг таклиф этилмагани ҳам сиёсатчиларни бефарқ қолдирмади. 26 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокидаги йиғиннинг марказий мавзуси эса Эрон, Шимолий Корея ядровий дастурлари, Ироқ, Афғонистондаги вазият ва альянс аъзолари хавфсизлиги учун долзарб деб ҳисобланган бошқа масалалар бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, альянс аъзолари учун айни пайтда ҳаёт-мамот масаласига айланиб қолган Афғонистонга қўшимча кучлар жўнатиш ва аъзо давлатларнинг мудофаа харажатларини ошириш учун НАТО давлатлари розилик бердими, деган савол очиқ қолди. Чунки 32 минг кишилик ҳарбий контингент Афғонистонда тинчликни сақлаш учун кифоя қилмайди. Пентагоннинг ҳисоб-китобига қараганда, амалиётларни муваффақиятли олиб бориш учун яна 4 минг нафар аскар талаб қилинади. Аммо шу кунгача НАТО таркибидаги йирик мамлакатлар Франция ва Германия Афғонистонннинг оловли нуқталарига қўшин жўнатиш фикридан йироқ. АҚШ, шунингдек, ўз иттифоқчиларидан мудофаа харажатларини оширишни ҳам сўраяпти. Масалан, Пентагоннинг мудофаа эҳтиёжлари учун ажратаётган маблағи ЯИМнинг 3,7 фоизини ташкил этса, қолганларники 2 фоизга ҳам етмайди.

Афғонистондаги мураккаб вазият бугун нафақат НАТОга аъзо мамлакатлар, балки бутун халқаро жамоатчиликни ўйлантираяпти. Бунинг бош сабаби — беқарорлик ўчоғига айланиб қолган мазкур мамлакат жаҳон истеъмолидаги наркотикларнинг 130 фоизини етказиб бераяпти. Лўнда қилиб айтганда, афғон заминида бутун сайёрамиз эҳтиёжидан кўра 30 фоиз кўп гиёҳванд моддалар етиштирилмоқда. Иккинчидан, террорчилик йўлига ғов қўйиш борасида НАТОнинг ташкилот доирасидан ташқари мамлакатлар ва бирлашмалар билан ҳамкорлиги етарли эмас. Сўнгги йилларда халқаро террорчилик ўчоқларини йўқотиш бўйича маълум ютуқлар қўлга киритилганига қарамай, террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлаётганлар сони камайгани йўқ. Айнан Афғонистон ва Ироқда деярли ҳар куни амалга оширилаётган ҳужумлар туфайли 2005 йилда ўрнатилган «рекорд» 2006 йилда яна янгиланадиганга ўхшаб турибди. Аслида вазиятнинг бундай тус олишига глобал альянсдаги айрим гегемон давлатлар раҳбарларининг демократия ва инсон ҳуқуқлари ниқоби остида қўшстандартлар ўйинини давом эттираётгани сабаб бўлмоқда. Улар ҳали ҳам террорчиларни яхшиёмонга, оқ ва қорага ажратишаяпти. Айниқса, Лондонда экстремистик, террористик йўналишидаги ўнлаб диний ташкилотларнинг уя қуриб олгани, уларнинг фатвоси билан дунёнинг турли бурчакларида қўпорувчиликлар содир этилаётгани бунинг яққол далилидир.

Ғарбий Европанинг қатор давлатлари, АҚШ ва Канада томонидан 1949 йилда ташкил этилган альянс аслида Иккинчи жаҳон урушидан ғолиблар қаторида чиққан собиқ Иттифоққа қарши коллектив мудофаа мақсадида тузилган эди. Аммо "совуқ уруш" тугаб, бир-бирига қарши курашаётган икки қутбли дунё барҳам топса-да, НАТО нафақат яшаб қолди, балки янги аъзолар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Унга аъзо бўлиш истаги МДҲдаги айрим давлатларни ўзига оҳанрабодай тортмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, Шимолий Атлантика Иттифоқига кириш истагидаги ушбу давлатлар Россияга ёв ёки рақиб кўзи билан қарашаяпти. Брюссель расмийларининг бу фикрга ҳайрихоҳлиги эса ҳайратланарли ҳолдир. НАТО ҳам Россия тимсолида ўзининг стратегик рақибини кўрмоқда. Москванинг норозилигига қарамай, унинг Шарққа, аниқроғи, Россия чегаралари томон кенгайиши, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ҳудудларига оғир техникаларни жойлаштириши ўз навбатида рус ҳарбийларида хавотир уйғотаяпти. Блок ўз ҳарбий инфратузилмасини Болтиқбўйи давлатлари ҳудудларида жойлаштирмоқда. Халқаро террорчиликка қарши кураш баҳонасида маҳаллий аэродромлар замонавийлаштирилаяпти, ҳарбий техника базалари қурилаяпти, альянсга янги аъзо бўлган давлатлар армиялари эса Ғарб андозалари асосида қайта ташкил этилаяпти, Россиянинг йирик шаҳарлари ва ҳарбий саноат марказларига йўналтирилган радиолокацион станциялар барпо қилинаяпти... "Коммерсантъ" газетасининг ёзишича, АҚШ Озарбойжоннинг Россия ва Эрон билан чегарадош учта ҳудудида аллақачон ана шундай қурилмаларни ўрнатган.

Бу ҳам камлик қилганидек, МДҲ давлатлари ички ишларига аралашмоқда. "Рангли инқилоблар"ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, Ғарбнинг ғоявий кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этишга ҳозиру нозир янги элитани шакллантиришга зўр бераяпти. Кўзланган мақсад эса битта: у ҳам бўлса, мавжуд энергия захиралари учун кураш кетаётган бир даврда Евроосиёнинг улкан бойликларига эга чиқиш, ҳеч бўлмаса, катта улушни қўлга киритишдан иборат эканлигини халқаро экспертлар бот-бот такрорламоқдалар.

Россиялик ҳарбийлар ва экспертларнинг ҳисоблашларича, НАТОнинг Европадаги ҳарбий базаларида АҚШ тактик қуроли — 150 тадан 400 тагача В 61 русумли авиабомба сақланмоқда. Хўш, улар кимга қарши қаратилган? Террорчиларгами?.. Афсуски, йўқ. Бундан ташқари, Пентагон Польша ва Чехияда ракета ҳужумидан мудофаа базаларини ўрната бошлагани ҳақида маълумотлар пайдо бўлдики, буларнинг бари альянс Россияни қамалга олиш учун астойдил ҳаракат қилаётганидан далолатдир.

Айни пайтда Эрон ва Шимолий Кореянинг АҚШга етиб борувчи ракеталари йўқлиги яхши маълум. Агар бундай қурол яратилиб, АҚШга қарши отилган тақдирда ҳам унинг учиш траекторияси Европа осмонидан ўтмайди. Американинг ҳужумкор ракеталари Россия стратегик ракета комплексларига қарши қаратилганини эса ҳеч ким инкор этмаяпти. Шундай экан, стратегик ҳамкорлик ҳақида Брюсселдан туриб ваъз айтишга не ҳожат?

Кузатувчилар фикрича, НАТО ва Россия муносабатларида яна бир ўткир муаммо бор. НАТО-Россия Кенгаши келишувларига кўра, томонлар ҳарбий-техник ҳамкорлик қилишлари керак. Бироқ Иттифоқ ўз ички бозорига Россияда ишлаб чиқарилган ҳарбий техника кириб келишига йўл қўймаяпти. Буни расмий Брюссель "техник параметрларнинг номувофиқлиги" билан изоҳламоқда. НАТО аъзоларидан бири — Грециянинг бутун ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими Россиянинг С-300ПМУ, "Тор-М1", "Оса-10", "Игла-С" жанговар комплексларига асосланганлигини ҳисобга олсак, "техник параметрларнинг мос келмаслиги" ортида АҚШнинг "Patriot" тизимларини НАТО аъзоларига тиқиштириш мақсади ётганлиги аён бўлади. Демак, блокда бугун ким хўжайин эканлиги, қарор қабул қилишдаги консенсус — барча томонларнинг розилиги тамойили аслида шунчаки расмиятчилик эканлиги айни ҳақиқатдир.

Брюсселнинг ўз сафларига Украинага оид ва Грузияни қабул қилиш ваъдаси ҳам Россияда салбий кутиб олинди. Москва эса бу жараёнларга тўғридан-тўғри қаршилик кўрсатолмайди. Лекин, агар шундай бўлиб чиқса, Россия мудофаа вазири Сергей Иванов таъкидлаганидек, "НАТО билан муносабатлар қайта кўриб чиқилади ва миллий манфаатлар учун қўшимча чоралар кўрилади". Хусусан, Москва қисқа ва ўрта масофадаги ракеталар тўғрисидаги Шартномадан чиқиб, альянс чегаларида "Искандар-М" тезкортактик ракеталарини жойлаштиради. Бу ҳаммаси эмас. Келажакда Афғонистонда жойлаштирилган қўшинларга кўмак кўрсатувчи НАТО самолётларининг Россия ҳудудидан учиб ўтиши тақиқланиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Тўғри, Украинада ҳукумат тепасига Виктор Янукович бошчилигидаги Минтақалар партияси келгач, НАТОга аъзо бўлиши масаласи кун тартибидан тушди. Бош вазир ўз мамлакати ташкилотга аъзо бўлиб киришга тайёр эмаслигини маълум қилди. Ҳудудида Абхазия ва Жанубий Осетия каби можароли ўчоқлари бўлган Грузиянинг блокка қўшилиш истаги айрим давлатларнинг қаршилиги боис Рига саммитида кўрилмайдиган бўлди. НАТО бош котиби Яап де Хооп Схефферинг Кремлда Россия президенти Владимир Путин билан ўтказган учрашувидан кейин Брюссель расмий доиралари Шимолий Атлантика альянсига янги аъзоларни қабул қилиш бугуннинг долзарб мавзуси эмаслиги ҳақида баёнот беришди. Бу эса НАТОнинг Москва фикрларига қулоқ солаётганидан далолатдир.

Энди бевосита саммитнинг яна ўзига қайтадиган бўлсак, унинг яна бир мавзуси ташкилот нуфузини ошириш, ишончли давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи бўлди. Маълумки, альянс аъзоларининг потенциал доираси Шимолий Америка ва Европа мамлакатлари билан чекланган. Шу боис НАТО раҳбарлари Австралия, Япония ва Янги Зеландия сингари шериклар билан муносабатларни кучайтириш ҳисобига ҳарбий-сиёсий блок ролини аниқлаб олиш таклифини ўрганиб чиқдилар. Асосий гап глобал ташкилотга айланиб улгурган НАТОнинг Афғонистон ва Ироқ масаласига қандай ёндашувида қолди. Бунга иштирокчи давлатлар иродаси етадими ёки йўқми, ҳаммасини вақт кўрсатади.

ЭКВАДОР

Жанубий Америкада сўл партия ва ҳаракатларнинг жамиятдаги мавқеи ошиб бормоқда. Куни-кеча Эквадорда ўтказилган президентлик сайловида сўл қарашдаги иқтисодчи, Венесуэла президенти Уго Чавеснинг дўсти Рафаэль Корреанинг ғалаба қозониши бунга яққол мисол бўла олади.

Венесуэлача сайлов

Эквадордаги сайловлар арафасида Корреанинг катта устунлик билан муваффақият қозониши кутилмаганди. Биринчи босқичда у иккинчи ўринни эгаллаган ва фақат кенг қамровли пиар-кампания ёрдамида сайловолди курашнинг етакчисига айланган эди. Ёш иқтисодчи, АҚШ ва Европадаги университетларда таълим олган Корреа мамлакатдан хорижнинг барча нефть компанияларини чиқариб юборишга ва ўн миллиард долларлик ташқи қарзни тўлашдан бош тортишга ваъда берди. Натижада 14 миллионли аҳолининг 75 фоизини ташкил этган қашшоқлар орасида машҳур бўлиб кетди. Корреа Эквадорнинг нефтдан олинадиган фойдасини ижтимоий эҳтиёжларга сарфлашни, Американинг Мантедаги ҳарбий-ҳаво базасини тугатишни, Вашингтон илгари сураётган Эркин савдо ассоциациясига кириш тўғрисидаги келишувни имзоламасликни ваъда қилди.

ИРОҚ

Коалиция Ироқни тарк этмоқда

Италия бош вазири Романо Проди мамлакатнинг охирги аскари Ироқни шу йил декабрь бошида тарк этишини маълум қилди, деб хабар беради АР. Польша президенти Лех Качиньски эса Ироқдаги 900 нафар поляк аскари 2007 йил охиригача олиб чиқилишини айтди. Коалициянинг яна бир вакили — Буюк Британия расмийлари эса 7 минг кишидан иборат контингентнинг бир қисми 2007 йил охиригача олиб чиқилишига сўз беришган.

Мазкур баёнотларнинг барчаси икки дарё оралиғидаги мамлакатда вазият кундан-кунга оғирлашиб бораётганини тасдиқлаб турибди. Олинган хабарларга кўра, куни-кеча Бағдод яқинида Американинг учта жанговар вертолёти ва битта F-16 қирувчи самолёти уриб туширилган. Бир куннинг ўзида Ироқнинг турли ҳудудларидан қийнаб ўлдирилган 40 нафар одамнинг жасади топилган.

ТУРКИЯ

Понтифик Туркияни оёққа турғазди

Рим папаси Бенедикт XVI Туркияга тўрт кунлик ташриф билан келди. Унинг ташрифи олдидан Анқара ва Истанбулда кучли оммавий норозилик намойишлари ташкил этилгани боис хавфсизлик чоралари кучайтирилди.

Италияда чиқадиган "Республика" газетаси тарқатган маълумотга қараганда, Понтифик ва унга ҳамроҳлик қилаётган 5 нафар кардинал зирҳланган нимчалар кийиб олишган. Тўғри, кейинроқ бу маълумотни Ватикандаги манбалар инкор этишди. Туркиядаги кескин муҳитни тушунса бўлади. Рим папаси шу йил 12 сентябрда Регенсбург университетида маъруза қилаётиб, Ислом аҳкомларига зид ибораларни ишлатгани бутун дунёда норозилик уйғотганди. Бенедикт XVI ташрифи давомида Диний ишлар бўйича турк кенгаши раиси Али Бардақўғли, Константинополь патриархи Варфоломей I ва шарқий черковларнинг вакиллари билан учрашувлар ўтказади. "Zaman" газетасининг маълумотига кўра, Ватиканда папанинг Истанбулдаги Султон Аҳмад масжидига ташриф буюриши имкониятлари ўрганиб чиқилган. Агар шу режа амалга ошса, католиклар черкови ва Ислом дунёси муносабатлари тарихидаги тажриба такрорланган бўлади. 2001 йили Иоанн Павел II Дамашқдаги Уммавийлар масжидига кирган эди.



МОЛИЯ

ФАҚАТ ҳаракатгина эзгуликнинг ҳақиқий қадр-қимматини белгилайди

БАНК ТИЗИМИ

Бизнеснинг таянч нуқтаси — сармоя

«АСАКА» ДАТ БАНКИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА ЖАМИ 8 МИЛЛИАРД 272,9 МИЛЛИОН СЎМЛИК КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТДИ

Банк филиали бугунги кунда 1862 та мижозга хизмат кўрсатмоқда. Бу рақам 2005 йил 1 октябрь ҳолатига нисбатан 293 та кўп, демакдир. Мижозлар сонининг ўсишига ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта.

■ **Шаҳзод НАЗАРОВ**

Банк хизматларининг тури кўпайиб, кўлами кенгайиб бораётгани, депозитарий ячейкаларидан фойдаланиш, минибанклар тармоғини кенгайтириш, "Банк-мижоз" дастури асосида хизмат кўрсатиш замон талаблари даражасида ташкил этилгани, пластик карточкаларни жорий этиш ва бошқа тадбирлар мижозлар ишончини қозонишга, улар сонининг кўпайишига сабаб бўлаётган асосий омиллардир.

Филиал жамоаси кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни ўзининг биринчи даражали вазифаси деб билаяпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан мижозларга жами 8 миллиард 272,9 миллион сўмлик кредит ажратилди. Шундан 2437,1 миллион сўми саноат ишлаб чиқариши ва қурилишга, 1887,8 миллион сўми савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига, 1494,2 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 2453,8 миллион сўми бошқа тармоқларга йўналтирилди. Кўриниб турибдики, банк кредитлари халқ хўжалигининг устувор йўналишларига ажратилмоқда.

Банк филиали фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишни яхшилаш ва уларга яқин кўмак бериш мақсадида ҳукумат дастуридан келиб чиққан ҳолда 6 та туманда минибанк ташкил этди. Улар ҳозирги пайтда 207 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилиши қатъий назорат остига олинган. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида 34371,1 млн. сўмлик касса маблағи кирим қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9213,5 миллион сўм кўпдир.

Аҳолининг ҳоли турган маблағларини банк муомаласига жалб этиш учун турли хил омонат турлари таклиф қилинмоқда. "Орзу", "Янги йил", "Имконият", "Саломатлик", "Мадад", "Байрам" сингари омонатлари шулар жумласидандир. Омонатларни жалб қилиш юзасидан кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Натижада 2006 йил 1 октябрь ҳолатига 1746 миллион сўмлик жамғарма қолдиғига эга бўлинди. Бошқача айтганда, ўтган йилнинг шу давридагидан 850 миллион сўм кўп жамғарма жалб этилди.

Ташкилот ва корхоналарда иш ҳақини пластик карточкалар орқали тўлаш ҳамда савдо-сотиқда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жойларда 84 та терминал ўрнатилди. Улар орқали 616,4 миллион сўмлик иш ҳақи ва 179,3 миллион сўмлик савдо ва маиший хизмат тўловлари амалга оширилди. Бундан ташқари, филиал тизимида 5 та валюта алмаштириш шохобчаси ишлаб турибди. "Вестерн Юнион" халқаро пул ўтказмаси орқали чет эл валютасини жўнатиш ва қабул қилиш йўлга қўйилган бўлиб, бундан яхшигина даромад кўрилаяпти.

Ўз-ўзидан равшанки, банк бозор иқтисодиёти талабларида ишлаши, мижозларга намунали хизмат кўрсатиши учун унинг кадрлари малакали, билимдон ва ўз ишининг устаси бўлиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда филиалда ёшлар иккинчи базавий банк ихтисослигини эгаллашлари учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ҳозирги пайтда 10 нафар ёш ходим банк ҳисобидан олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. 2 нафар ходим марказий идора департаментларида амалиётдан ўтди, 23 нафар ходим эса ўқув марказида ташкил этилган семинарларда қатнашди. Бундан ташқари, банкнинг ўзида иқтисодий ва техник ўқувлар ҳам йўлга қўйилган.

— Йил охирлаб қолди, — дейди "Асака" ДАТ банки Бухоро вилоят филиали бошқарувчиси С. Ашуров. — Шу кунларда жамоамиз жорий йил мобайнида қилинган меҳнат, эришилган натижаларни таҳлил ва сарҳисоб этиб, янги режа-марраларни белгилаб олишга киришди. Келаси йилдаги ишларимиз кўлами бундан-да катта. Ўз зиммамизга юклатилган вазифаларни бекаму кўст адо этиб, вилоятимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшишни бурчимиз деб биламиз.

ҲАМКОРЛИК

Россиянинг нуфузли нефть компанияларидан бири — "Лукойл"нинг юртимизда иш бошлаганига беш йил тўлди. Ана шу давр мобайнида компания ишончли ҳамкор сифатида иш юритиб, муайян натижаларга эриша олди, дейиш учун тўла асослар бор.

Қўлни қўлга бериб

■ **Ўз мухбиримиз**

Бугунги кунда "Лукойл" трансмиллий корпорация ҳамда Россиядаги ягона нефть-газ компанияси сифатида халқаро аҳамиятга молик геология-қидирув лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун изчил фаолият юритмоқда.

Таъкидлаш жоизки, компаниянинг капитал харажатлар ҳажми 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. 2007 йилдан бошлаб саноат эҳтиёжлари учун газ қазиб чиқаришга киришилади. Ўзаро манфаатли битимга асосан белгиланган ҳудудда табиий газ заҳиралари ҳажми салкам 400 миллиард куб миқдорида бўлиб, газ конденсати эса 10 миллион тоннадан кўпроқдир. Бундан ташқари истиқболли лойиҳага мувофиқ йилига 6 миллиард километр газ қазиб олиш қувватига эга бўлган замонавий мажмуани барпо этиш ҳам режалаштирилган. Унинг биринчи навбати 2011 йилда ишга туширилади. Шунингдек, янги бунёдкорлик ишлари, атроф-муҳит муҳофазаси, ҳомийлик ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ истиқболли режалар ҳам кўзда тутилган.

Бухородаги Ибн Сино номли Маданият саройида "Лукойл" нефть компаниясининг 15 йиллигига бағишлаб ташкил этилган кўчма кўргазма бу ерда ҳозир бўлган соҳа ходимлари, мутасадди ташкилотларнинг вакиллари, талаба ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазма очилишига бағишлаб ўтказилган маросимда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Олим Жумаев, Ўзбекистондаги "Лукойл Оверсиз" ваколатхонаси раҳбари жаноб Андрей Подболотов ва бошқалар ушбу нефть компаниясининг кўп қиррали фаолияти, жумладан, юртимизда иш олиб бораётган "Ўзбекистан Оперейтинг Компани" масъулияти чекланган жамият ва унинг олдида турган муҳим вазифалар, яқин келажакка мўлжалланган истиқболли лойиҳалар ҳақида сўз юритдилар, Ўзбекистон-Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Маросимда ҳозир бўлганларга компаниянинг эсдалик совғалари топширилди. Ёш хонанда Севара Назархон, шунингдек, "Аббос" карнайчилар гуруҳининг чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Азиз юртдошлар!

«ПАХТА БАНК»дан

Сизлар учун янги имкониятлар!
«Пахтабанк» янги, қулай ва манфаатли

«Туҳфа» ҳамда «Адолат»

Муддатли омонат турларини таклиф этади. «Туҳфа» муддатли омонатини сақлаш муддати 2 ой бўлиб, фоизли даромадингизни олдиндан олиш имкониятига эгасиз.
«Адолат» муддатли омонатини сақлаш муддати 3 ой бўлиб, фоизли даромадингизни ойма-ой олиб борасиз.

Ушбу омонатлар бўйича йиллик 18 фоиз даромад тўланади.
Омонатлар бадалининг энг кам миқдори - 50 000 сўм.

«Пахтабанк»нинг исталган филиалига мурожаат этиб, даромадингизни янада кўпайтиринг.
Омонатга қўйган маблағингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

«Пахтабанк» фаровонлигингиз калитидир!

РЕКЛАМАЛАР

ASR EKSPRESS MEDIA

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ, БИЗ КЕЧАЮ КУНДУЗ ИШЛАЙМИЗ ВА БУЮРТМАНГИЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ!

Корхона ва ташкилотлар учун фирма бланкалари, китоб, буклет, ташриф қоғозлари ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни арзон нархларда чоп этади ва буюртмачиларга белгиланган муддатда етказиб беради.

Телефонлар: (8-371) 380-20-77, 79-28-71, 183-96-62, 130-70-82.

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ BELARUS

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «БЕЛАРУС» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
Факс: 152-73-81.
Сайт: www.uzkam.com

ОНГ ВА ТАФАККУР ЎЗГАРСА — ЭРКИН ФИКР ТАНТАНА ҚИЛАДИ

ЯХШИ ТАЖРИБА ҲЕЧ КИМНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЙДИ

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ИНСОН САБОТ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН КУРАШДА ТОБЛАНАДИ

Сиёсат — кураш майдони

— ДЕЙДИ АТ «САВДОГАРБАНК» ҲУЗУРИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЕТАКЧИСИ ТОҲИР ҲОЖИМУРОТОВ

"Ҳар қайси партия умуммиллий партия сифатида фаолият юритиши, фақат марказда қолиб кетмаслиги ва жойларда ўз аъзолари, фаоллари ва тарафдорларига эга бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, ҳар қандай партия сиёсат саҳнасидан тушиб кетади".

Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида мамлакатимиз раҳбари томонидан айтилган ушбу сўзларни ҳамиша ёдда тутишимиз лозим, — дейди O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Миржамол Мирсаидов. — Зеро ҳар қандай сиёсий партия жамият тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Белгиланган дастурий вазифаларни рўёбга чиқариш эса қуйи бўғинлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис бошланғич ташкилотларнинг таъсир доирасини кенгайтиришга, кадрлар билимини ошириш ва омма билан ишлашни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратаяпмиз.

Бугунги кунда шаҳар ҳудудида O`zLiDePнинг 897 та қуйи бўғини бўлиб, улар ўз атрофига 20 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Албатта, гап сонда эмас. Шу маънода "Нерудник", "Тошкент трактор заводи", "12-автобус" акциядорлик жамиятлари, "Савдогарбанк", "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамда "Тошшаҳаргаз" корхонаси қошидаги БПТлар фаолиятини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Суҳбатдошимизнинг фикрича, мамлакатимизда чуқурлашиб бораётган демократик жараёнлар ўз моҳият-эътибори билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Одамларнинг онг ва тафаккури ўзгариб, эркин фикр тантанаси учун кенг йўл очилмоқда. Бу борада мавжуд бошқа сиёсий партиялар қатори O`zLiDePнинг ҳам ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, унинг қуйи бўғинлари ҳаёт қатламларига чуқурроқ кириб бориб, ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон-Германия иштирокида барпо этилган "Савдогарбанк" АЖ қошидаги бошланғич партия ташкилоти ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Энг муҳими, БПТ фаолиятини йўлга қўйишда давр ўртага қўяётган талаблар асос бўлаяпти.

Давоми. 10-саҳифада.

Тоҳир ҲОЖИМУРОТОВ, 1969 йилда туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Айни пайтда Ўзбекистон-Германия акциядорлик тижорат «Савдогарбанк»да бошқарма бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти раиси.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

Бугун давр ҳам, талаб ҳам бошқа. Оммани эзгу мақсадлар сари сафарбар этишда сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклатилаётгани бежиз эмас, албатта. Андижон шаҳридаги 1-болалар клиник шифохонаси 260 ўринга мўлжалланган бўлиб, айни кунда бу ерда 400 дан ортиқ тиббиёт ходимлари меҳнат қилишаяпти. Улардан 90 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Ғоявий етуклик, сиёсий ҳозиржавоблик партиявий фаолиятда асосий мезонга айланган. Мана, бир мисол. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан жойларда кўплаб тадбирлар амалга оширилди, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига 5819304 сўм миқдорида аниқ йўналишли моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Андижонда шундай фаолларимиз бор

УЛАРНИ ҲЕЧ ИККИЛАНМАЙ ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ, ДЕЯ ОЛАМИЗ

Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

— Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин, — дейди БПТ етакчиси. — Ғоявий чиниқиш изчилликни талаб этади. O`zLiDeP бош нашри — «XXI asr» газетаси бу борада биз учун муҳим сиёсий манба бўлиб қолди. Айниқса, «Бошланғич партия ташкилотларида» иловасида берилаётган мақолалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Улар республикамизнинг турли бурчакларида фаолият кўрсатаётган маслакдошларимиз фаолияти билан яқиндан танишиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, муҳим хулосалар чиқариш имконини бераётир. Зеро кўппартиявийлик шароитида оммага ғоявий таъсир ўтказиш, жойларда сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда бошланғич ташкилотларнинг ўрни ва роли каттадир.

2006 йил биз – тиббиёт ходимлари учун алоҳида масъулиятли йил бўлди. Партия фаоллари зиммасига муҳим топшириқлар юклатилди. Масалан, Рустамжон Ҳамроқулов, Муқимжон Аҳмедов, Фаридахон Абдураҳмонова, Олмосбек Файзихўжаев, Барнохон Ёқубова, Дилшодбек Маматалиев ва бошқалар маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида турли тадбирлар ўтказиш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш учун масъулдирлар, 3 сонли болалар уйи тарбияланувчилари ҳозиргача тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди, муҳтожларга зарур ёрдамлар кўрсатилди. 1 июнь — болаларни ҳимоя қилиш ҳалқаро куни муносабати билан 220 нафар ўғил-қизларга турли ўйинчоқлар ҳадя қилинди. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши билан яқин ҳамкорлик қўл келмоқда.

Вилоятнинг экологик жиҳатдан ноқулай, чекка ҳудудларида яшаётган кишиларга ўз вақтида сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш диққат марказида турган масалалардан биридир. Шу мақсадда шифокорлар ҳозиргача Асака, Марҳамат, Булоқбоши, Бўз, Пахтаобод, Шаҳрихон, Жалақудуқ ва Хўжаобод туманларида бўлиб, болалар орасида тарқаган туғма ва сурункали касалликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор профилактик тадбирларни амалга оширдилар.

Ҳафтанинг ҳар пайшанбаси шифохона ходимлари учун маънавият ва маърифат куни, деб белгиланган. Шу куни улар партия хонасидаги турли адабиётларни мутолаа қиладилар, ўз сиёсий ва маънавий билимларини бойитадилар.

— Мен ҳаётимда икки нарса учун жуда қувонаман, — дейди М. Саримсоқова. — Бири — ёшлигимда шифокор касбини эгаллашга аҳд қилиб, орзуимга эришганим бўлса, иккинчиси — юртдошларим саломатлигини муҳофаза қилишга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдир. Болалигимда дадам қаттиқ касал бўлиб, ҳаёти хавф остида қолганда, оппоқ халатли халоскорлар унга қайта умр бахш этишган эди. Шифокор бўлиш истаги менда ўшанда туғилган бўлса, ажаб эмас. Касалхонамизда даволаш-профилактика ишлари юқори савияда йўлга қўйилган. Шу боисдан бўлса керак, Юртбошимиз 1995 йилда жамоамиз ҳузурига ташриф буюриб, "Дамас" автомашинасини шахсан туҳфа этган эдилар. Юксак мукофотдан руҳланган шифокорларимиз эл-юрт саломатлиги йўлида янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда.

Муҳаббат САРИМСОҚОВА, 1962 йилда Избоскан туманидаги Пойтуғ шаҳрида туғилган. Андижон тиббиёт олийгоҳининг педиатрия бўлимида таҳсил олган. Олий тоифали шифокор. Айни пайтда вилоятдаги 1-болалар клиник шифохонасининг пульмонология бўлими бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти раиси.

— Бу гапларни нега такрорлаяпман? Биз — инсон саломатлигининг посбонларимиз. Демак, бурч ва масъулиятимиз ҳам шунга яраша. Энг муҳими, жамоамизда қатъий интизом, ўзаро аҳиллик қарор топган. Байрамларни биргаликда нишонлаймиз. Шу муносабат билан турли тадбирлар, кўнгилочар ўйинлар ташкил этилади. Ҳар ҳафтада шанбалик ўтказиш одат тусини олган.

— Таъкидлаш жоизки, ушбу шифохона кўп тармоқли консультатив ташҳис маркази ҳисобланади. Андижон давлат тиббиёт институтининг педиатрия, болалар жарроҳлиги ва шифокорлар малакасини ошириш кафедраси билан ҳамкорликда даволаш ва ўқиш ишларини олиб бориб, тиббиёт амалиёти бўйича кўплаб янгиликлар жорий этилмоқда. Кейинги йиллар давомида болалар асаб касалликлари, пульмонология, гельминтология ва ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўлимлари ташкил қилинди. Бир сўз билан айтганда, инсон саломатлигини кафолатли муҳофаза қилиш, жойларда тиббий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш O`zLiDeP илгари сураётган энг муҳим вазифалардан биридир.

БПТ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«XXI asr» газетаси таҳририяти «Бошланғич партия ташкилотларида» иловаси 2007 йилда ҳам изчил чоп этилишини маълум қилиб, БПТ ҳаётига оид янгиликлардан, муҳим изланиш ва ташаббуслардан доимий равишда хабардор бўлишга чақиради.

XXI asr — бу сизнинг газетангиз!

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 250 НАФАР СПОРТЧИСИ ДОХАДА

ЭРТАГА СТАРТ ОЛАДИГАН XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА БОШ СОВРИНЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ УЧУН КУРАШ БОШЛАЙДИ

12 - САҲИФАДА

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

Хайрли иш — ҳомийликни давом этттирамиз

Маҳмуд Муртазоев бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги йиғилишини очаркан, Вобкентдаги 1-мактаб ўқитувчиси Мақсад Истамова Тошкентда ўтказилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика танловида совринли ўринни эгаллаганини, 8, 9 ва 25-мактабларнинг тажрибали педагогларидан Шарилло Ашуров, Шоира Эгамбердиева ҳамда Машҳура Болтаеванинг эса иқтидор, билим ва салоҳиятлари ҳакамлар томонидан алоҳида эътироф этилганлигини маълум қилди.

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Маҳмуд МУРТАЗОЕВ, 1953 йилда Вобкент туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1975 йилда Душанбе педагогика институтининг тарих-ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ўрта махсус ўқув юртлари ва умумтаълим мактабларида ишлаган. 2000 йилдан буён туман халқ таълими бўлимининг тарих-ҳуқуқшунослик фанлари бўйича услубшуноси. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Туман мактабларида ўқувчи-ёшларни бугунги кун талаблари даражасида тарбиялашда устозлар малакасига кўп нарса боғлиқ, албатта. Қувонарли томони шундаки, тумандаги бир қатор билим даргоҳлари, хусусан, 1, 9, 16 ва 23-умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари атрофига уюшган либерал-демократларнинг бутун диққат-эътибори "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ иш олиб бориш билан бирга маслакдошлар сафини кенгайтириш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, айниқса, ёшлар тарбиясига қаратилмоқда. Билим даргоҳларидаги бошланғич партия ташкилотлари раисларидан Зубайда Нарзиева, Шоҳида Мардонова, Маҳмуд Бобоев ва бошқаларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли O`zLiDeP ғояларини, мақсад ва вазифаларини омма онгига чуқур сингдиришда, либерал ғоялар ҳамюртларимизга устувор вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлаётганини, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришида бу ғояларнинг алоҳида ўрни ва таъсири борлигини тушунтиришда жойларда муайян натижаларга эришилмоқда. Туман халқ таълими бўлими БПТ фаолларининг бу борадаги кундалик иш фаолияти хусусида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Ишчан партия аъзоларидан — бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси Олим Рўзиев, руҳшунос-педагог Рустам Қўшшаев, туман халқ таълими бўлими мудирининг маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўйича ўринбосари Нажим Қиличев, кутубхона ишлари бўйича услубчилардан Муҳаррам Ибрагимова тумандаги умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшлари, корхона ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат жойларида тез-тез бўлиб, долзарб мавзуларда учрашув ва суҳбатларни уюштирмоқдалар. Бунда, шубҳасиз, Юртбошимизнинг халқ таълимини ривожлантириш, мактабларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ Фармон ва қарорлари ижросига алоҳида аҳамият берилаяпти. Яқинда Вобкент шаҳридаги 20-мактабда Президентнинг "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ дарсликлар ярмаркаси ташкил этилди. Бунда партия аъзоларининг, айниқса кутубхона ишлари мутасаддиси Муҳаррам Ибрагимованинг жонкуярлиги яхши самара берди. Дарсликлар ярмаркасида O`zLiDeP аъзоси Рустам Қўшшаевнинг "Мактаб кутубхоналарида дарсликларни рўйхатга олиш ва сақлашда кутубхоначиларнинг ўрни" мавзуидаги маърузаси тингланди. Тадбирда кутубхоналар иши билан боғлиқ ўқитувчи ва мураббийлар бажарилган ишларни чуқур таҳлил этиб, ўзларининг галдаги вазифаларини белгилаб олдилар.

Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган 78 нафар партия аъзосининг жойларда олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам муайян натижаларга эришилаяпти. Халач қишлоқ фуқаролар йиғини, шунингдек, "Чармгарон", "Қурувчи", "Вобкент" маҳаллаларида ўтказилган тадбирлар, мулоқот ва давра суҳбатларидан сўнг юртдошларимизда O`zLiDeP ҳақида янада кенгроқ тушунча пайдо бўлди.

Шу ўринда бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида O`zLiDeP аъзоларининг ҳомий ташкилотларга мурожаати ўз самарасини бераяпти.

Натижада Ал-Бухорий номли ширкат хўжалиги томонидан 16-умумтаълим мактабига қурилиш материаллари сотиб олиш учун 2 миллион сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди. "Зарбдор" ширкат хўжалиги эса тумандаги 3, 5-мактабларга 3 млн. сўмликдан ортиқ ҳомийлик ёрдами уюштирди. "Зарафшон" ширкат хўжалиги раҳбарларининг ҳам бир қатор билим даргоҳларига кўрсатган муруввати ибратлидир. Турли қутлуғ саналар, миллий байрамларимиз арафасида "зарафшон"ликлар тумандаги 4, 17 ва 7-умумтаълим мактабларида бўлиб, устоз ва мураббийлар учун тўкин дастурхонлар ёздилар.

Бундай хайрли ишларни нафақат жорий йилда, балки ҳар доим давом эттириш партия фаолларининг бош вазифаларидан бири бўлиб қолиши лозимлигини халқ таълими бўлимининг Маҳмуд Муртазоев етакчилик қилаётган БПТ аъзолари алоҳида таъкидламоқдалар.

Сиёсат — кураш майдони

Давоми. Бошланиши 9-саҳифада.

— Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, — дейди Т. Ҳожимуротов. — Чунки билдирилган юксак ишончни оқлашимиз, ижтимоий тараққиёт йўлидаги курашнинг олдинги сафларида боришимиз лозим. Бошқа йўл йўқ. Сиёсат — кураш майдони демакдир. Унга тушдингми ё енгасан, ё енгиласан. Очиғи, маслакдошларим бошланғич партия ташкилоти раислигига номзодимни кўрсатишганида, иккиланганим рост. Чунки бу ишнинг табиатидан анча йироқ эдим. Зиммамдаги бурч тинимсиз изланишга, сиёсий адабиётларни мутолаа қилишга ундайди. Қисқа фурсат орасида тарафдорлар сони ошди, сафларимиз анча кенгайди. БПТ учун алоҳида хона ажратиб, уни зарур қўлланмалар, турли сиёсий адабиётлар билан таъминладик. Бу ерда ҳафта давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинади. Истаган киши партия хонасига кириб мутолаа қилиши, сиёсий адабиётлардан фойдаланиши мумкин.

Тажрибадан аёнки, кўзланган мақсадларга эришишда жойларда олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти каттадир. Бошланғич партия ташкилоти шундан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга, аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, ўқув юртлари ва маҳаллаларда ўтказилаётган турли мавзулардаги тадбирлар кўпчиликда катта таассурот қолдираяпти. Хуршида Шодмонова, Музаффар Холмуродов, Шоира Қаюмова, Элмурод Алимов каби фаоллар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Сиёсий чиниқиш эса янги ютуқларга замин ҳозирлаётир.

— O`zLiDeP мамлакатимизда либерал ғояларнинг тарғиботчиси сифатида танилди, — дейди фаоллардан бири Беркинбой Исаев. — У ўз мақсад ва интилишлари билан бошқа сиёсий партиялардан ажралиб туради. Сайловларда ғалаба қозонганлиги ҳам шундан. Лекин булар ўз ўйўлига. Очиғи, кейинги пайтда ўз қобиғимизга ўралиб қолаётгандекмиз. Амалий ташаббуслар кам. Услубий қўлланмалар етишмайди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш ҳақида кўп гапирамизу, натижага келганда... бош қашиб қоламіз. Нега шундай? Зиммамиздаги бурч масъулиятини қачон тўла ҳис этишга одатланамиз? Кўринадики, эл-юрт ишончини тўла қозониш учун ҳали кўп тер тўкишимиз, фаоллик ва ташкилотчиликни кучайтиришимиз лозим. Бу эса менга, сизга — ҳаммамизга боғлиқ бўлган муҳим партиявий масаладир.

Биз омма билан алоқани мустаҳкамлаш, тарафдорлар сафини кенгайтиришдан тўла манфаатдормиз. Мақсад битта. У ҳам бўлса, партиямизнинг ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Ҳақ гап. Бошланғич партия ташкилоти ҳар бир жамоа учун ўзига хос кўзгудир. Жойларда унинг фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Маълумки, "Савдогарбанк"нинг асосий вазифаси аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, шу йўл билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашдан иборат. Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун кичик бизнес субъектларига жами 6,8 млрд. сўм миқдордаги кредитлар йўналтирилди.

Мана, бир мисол. Хусусий тадбиркор Файзулла Ниёзов кредит ажратиш масаласида ёрдам сўраб, бошланғич партия ташкилотига мурожаат қилган эди. Ариза ўз вақтида қаноатлантирилди. Яъни мижозга аввалига 20 млн. сўм, кейинроқ 40 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Хусусий тадбиркор ўзи учун яратиб берилган молиявий имкониятдан фойдаланиб, фаолият доирасини кенгайтиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга ҳаракат қилмоқда.

— Янги давр олдимизга янги талабларни қўймоқда, — дейди БПТ етакчиси. — Тўғри, аъзоларимиз сони унчалик кўп эмас. Лекин менимча, гап сонда эмас. Биз омма билан алоқани мустаҳкамлаш, тарафдорлар сафини кенгайтиришдан тўла манфаатдормиз. Мақсад битта. У ҳам бўлса, партиямизнинг ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

Сиёсий куч сифатида назарга тушган ҳар қандай партия омма орасига чуқурроқ кириб бормоғи, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланмоғи лозим.

O`zLiDeP фаоли Эргаш Очилов буни чуқур ҳис этади. У етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти изланишлар йўлидан бориб, яхши натижаларга эришаётганлиги ҳам шундан.

Хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ

■ Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбири

— Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий мақсади мулкдорлар қатлами, кичик бизнес вакиллари, фермер ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишдир. Фермерлик ҳаракати ҳаммага ҳам ёқавермайди. Чунки ер ҳақиқий эгасининг қўлига ўтади. Уни талон-торож қилганлар, ўз манфаати йўлида фойдаланувчиларнинг йўли эса ёпилади. Ана шундай шахслар турли йўллар билан бу ҳаракатга қаршилик қиладилар. Кейинги бир-икки йил ичида фермерлар эришган натижалар юқоридагидек шубҳагумонларнинг асоссизлигини яна бир карра исботлади.

Эргаш ОЧИЛОВ, 1952 йилда Каттақўрғон туманидаги "Бахрин" қишлоғида туғилган. Самарқанд кооператив институтини тугатган. Узоқ йиллар туманлараро савдо базасида экспедитор-товаршунос бўлиб ишлаган. Бугунги кунда "Бахрин" фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP Каттақўрғон туман кенгаши депутати, бошланғич партия ташкилоти раиси.

Айни пайтда болалигидан ер нафасини туйиб улғайган Эргаш Очилов ўз ишини партиявий фаолият билан уйғун тарзда олиб бормоқда. 1999 йилда Қорадарё канали соҳилларида фермерлик ҳаракатини бошлаган эди. Мавжуд 14 гектар ернинг балл бонитети 32 баллга тенг бўлиб, фақат заҳматли меҳнат орқалигина кўзланган ҳосилни олиш мумкин эди. Фермер бунга қатъий амал қилди. Натижада ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб борди. Бундан руҳланган фермер тендер танловларида фаол қатнашиб, ер майдонини 100 гектарга етказди.

— Амалдаги йилда 19,2 гектар ерга буғдой экиб, 60 тонна ҳосил олдик, — дейди суҳбатдошимиз. — Режа 120 фоизга уддаланди. 50 гектар ерга "Омад R-1" навли пахта уруғини эккандик. Эрта кузда ялпи хирмонимиз 130 тоннага етди. Бу кўзда тутилганидан 14 тонна зиёддир. "МТЗ-80", "Алтай-Т4" русумли ҳайдов, "ТТЗ-80/11" русумли чопиқ тракторлари, уч дона прицеп, плуг, чизел, бороналаш ускуналари деҳқонларимизга қўл-қанот бўлмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Фермер хўжалигида йигирма киши меҳнат қилади. Уларнинг барчаси O`zLiDeP аъзосидир. Собир Бердиев, Лутфулло Абдуллаев, Дилмурод Нуруллаев, Бахтиёр Ўроқов, Рисолат Раҳимова, Мавжуда Рашидова ғоявий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишда ўрнак бўлишмоқда. Сиёсий фаоллик эса янги ютуқларга замин ҳозирламоқда. Узоққа бормайлик. Бу йилги натижалар бултургига нисбатан икки ҳисса ортиқдир. Фермер олинган даромаднинг бир қисмини хайрли ишларга сарфлаяпти. Галдаги режалар янада катта. Қишлоқ чеккасидаги қаровсиз ер ўрнида спорт мажмуасини барпо этиш мўлжалланмоқда. Ҳозирда қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Янги иш ўринлари яратиш мақсадида лизингга янги комбайн ҳамда сутни қайта ишловчи ускуналар сотиб олиш кўзда тутилаётир.

— Кўпга етакчилик қилиш осон эмас, - дейди Э. Очилов. — Айниқса, партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади. Биз одамларни биринчи навбатда O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларидан, либераллаштириш жараёнларининг асл моҳиятидан тўла хабардор этишимиз даркор. Токи сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида барчанинг фаол иштироки таъминлансин. Ана шундагина кўзланган мақсадларга тўла эришиш имконияти туғилади.

БАРЧА тажрибалар — умид ва синчковлик чангалида туради

ЖАҲОН ФЕРМЕРЛАРИ

Кузги ғалла экиш тугалланди

Сурхондарё вилоятида келгуси йил ҳосили учун кузги ғалла экиш ниҳоясига етди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, 95 минг гектар майдонга «Полавчанка», «Краснодар-99», «Крошка», «Палпич» сингари ғалла уруғлари сепилди. Айни кунларда уруғ ундириб олинган майдонлар маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилиб суғорилмоқда.



Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири

— Бу йил ғалла экишда янги усулни жорий этдик, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Б.Жўраев. — Ўтган йилларда ғалла етиштириладиган майдонларда эгатлар кенг олиниб, дон сепилган эди. Бу йил эгатлар тор ва саёзроқ олинди ва кенгайган пушталарга уруғ қадалди. Бу усул ҳосилдорликни оширади ва сув сарфини анча камайтиради.

Вилоят миришкорлари мавжуд майдонлардан қарийб 476 минг тонна ғалла ҳосили олишни мўлжалламоқдалар.

Талаб икки баробар ошади

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Сайёрамизда демографик вазият ўзгараётгани — шаҳар аҳолиси сони ўсиб бораётганига қарамай, бугунги кунда жаҳондаги қашшоқ аҳолининг 70 фоизи қишлоқ жойларда яшамоқда. 2015 йилга бориб, бу соҳадаги кўрсаткичнинг 60 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ҳамон мамлакатлар иқтисодиётидаги энг муҳим тармоқ ҳисобланса-да, унинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси пастлигича қолмоқда. 2030 йилга бориб, озиқ-овқат истеъмолининг икки баробар ошиши кутилмоқда ва шу боис қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, хусусан, фермерлардан ер ва сув ресурслари камайиб бораётган бир шароитда самарадорликни ошириш талаб этилади. Ана шу мақсадда 2006 йилда Жаҳон банки дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги тармоғини қўллаб-қувватлаш учун 2 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратди. Айниқса, Африкани кредитлаш сезиларли даражада ўсди. Агар 2005 йилда "қора қитъа"га 295 млн. доллар сармоя киритилган бўлса, 2006 молиявий йилда уни 685 млн. долларга етказиш кўзда тутилган.

Фермерлар рақобатга дош беролмадилар

Германияда деҳқонларга "ўлат" келди. Испания ва Португалиядаги рақобатчи фермерлар немис бозорини арзон помидор ва апельсинлар билан тўлдириб ташлаганларидан сўнг, Германияда деҳқонлар сони камая бошлади.

Хабарларга кўра, охирги 10 йил мобайнида мазкур мамлакат қишлоқ хўжалигида барча иш ўринларининг деярли чорак қисми бой берилган. Ярим миллион деҳқон майдонлари, аникроғи — майда хўжаликлар ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Асосан ўрта ва йирик заминдорлар яшаб қолдилар. Бугун рақобат қишлоқ хўжалигига ёндашувни ўзгартиришни, бирлашишни, янги технологияларни жорий этишни талаб қилмоқда.

Шарқий Германияда эса вазият анча яхши. У ерда янги фермерлар сони (30 мингга яқин) кам бўлгани учун Европа Иттифоқидаги ҳамкорлар рақобати уларга унчалик таъсир этмаяпти. Шуниси қизиқки, Германиянинг ҳар икки қисмидаги аграр тизимда мавжуд бўлган тафовут ҳамон сақланиб қолмоқда. Масалан, мамлакат ғарбида оилавий корхоналар (70 фоизгача), шарқда ёлланма ишчилар (60 фоиз атрофида) устунлик қилаётир. Германия Европа Иттифоқида аграр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 3-ўринда туради. Бироқ ишлаб чиқариш хусусияти сўнгги йилларда анча ўзгарди. Чорвачилик фермаларининг сони 30 фоиз қисқарди. Ҳозир бу фермаларда 26 млн. бош чўчқа, 15 млн. бош қорамол ва 2 млн. бош қўй боқилмоқда. Аммо Европани қамраб олган касалликлар эпидемияси немис деҳқонларининг кайфиятига таъсир кўрсатмай қолмади. Уларнинг кўпчилиги зарурат туфайли ишлаб чиқариш билан машғуллигини яшир-маяпти.



Тадбиркорлик мана бундай бўлади

Биз йирик энергокомпаниялар, оддий фирма, ҳукумат ташкилотлари, институт ва университетлар қуёш нуридан фойдаланилувчи электростанциялар қураётгани ҳақидаги хабарларга ўрганиб қолганмиз. Бошқа томондан, оддий фермерлар ҳам даласида қуёш электростанцияси қураётгани ҳақида маълумотлар пайдо бўла бошлади.

Фермер бу турдаги электр энергиясини сотиб ҳам пул ишлаши мумкин экан. Бутун Европада бундай мисоллар кўп бўлмаса-да, бироқ борлари ҳам муқобил энергетикани ривожлантириш фойдали йўл эканини кўрсатмоқда. "Нью-Йорк Таймс" газетаси Европадаги ана шундай илк фермерлардан бири — Хайнер Гёртнернинг ажойиб саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилади. Хайнер 2002 йилда, отасидан фермани қабул қилиб олган пайтда ишлар ўлда-жўлда бўлиб, ҳатто унинг бобоси томонидан асос солинган 200 гектарли фермани сотиш масаласи кун тартибида туради.

2004 йили Гёртнер муқобил энергетика билан қизиқиб қолиб, синфдоши Ове Петерсон билан маслаҳатлашган ҳолда банкдан 5 млн. доллар миқдорида кредит ва яна ссудалар олди. Дўстлари ёрдамида далага 10050 та қуёш батареясини ўрнатади. Буттенвизен шаҳарчаси раҳбариятидан уларни маҳаллий энерготармоққа улашга рухсат олади. Эндиликда Хайнер биргина қуёш энергиясини сотишдан йилига 600 минг доллар фойда олмоқда. Мазкур энергиянинг яқин атрофдаги юзлаб уйлар учун аҳамияти шундаки, мазкур қўшимча қувват ёзнинг иссиқ кунларида кондиционерларнинг тўлиқ қувват билан ишлашига ҳам имкон бераяпти.

Қурғоқчилик касофати

Австралия қитъасининг катта қисмида сўнгги юз йилдан бери илк бора кузатилаётган кучли қурғоқчилик фожиали оқибатларга олиб келмоқда. "Яшил қитъа" соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, Австралияда ҳар 4 кунда фермерларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари рўй бермоқда. Тўла молиявий касодга учраш уларни шундай йўл тутишга мажбур қилган. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Австралия ҳукумати давлат бюджетининг махсус жамғармасидан 260 млн. доллар маблағ ажратган.

Ўртада сарсон илик

Польша билан гўшт можароси ниҳоясига етмай туриб, Россиянинг Европа Иттифоқи билан янги келишмовчилиги юзага чиқмоқда. Москва келаси йил 1 январидан бошлаб Европа Иттифоқининг чорвачилик маҳсулотлари импортини тақиқлаш ҳақида таҳдид қилди. Россия расмийларининг хавотири 2007 йилнинг 1 январидан Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланаётган Руминия ва Болгариядаги йирик чорва ҳайвонлари орасида тарқалган касалликлар билан боғлиқ. Европа комиссияси тақиқни асоссиз, деб ҳисоблар экан, яқин кунларда масалага ойдинлик киритиш учун Москвага мутахассисларни юбориш таклифини киритди. Янги гўшт можароси ташкилотнинг бир йил муқаддам Польша гўштини Россияга экспорт қилишга қўйилган тақиқ атрофидаги баҳсларни ечишга қаратилган уринишлари доирасида авж олди. Маълумки, бунинг натижасида Варшава Россия ва Европа Иттифоқининг шерикчилик тўғрисидаги келишувга эришиш борасидаги музокараларига вето қўйди.

Агар Россия гўшт, сут ва балиқ маҳсулотлари келтирилишига тақиқ қўйса, Европа мамлакатлари йилига 2 млрд. АҚШ доллари атрофида зарар кўради.

Африкаликлар ҳукуматдан норози



Кот-д"Ивуар фермерлари иш ташлаш эълон қилиб, етиштираётган боб-какаоларини сотмасликларини айтганлар. Деҳқонлар маҳсулотлари харид нархининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

Агар давлат ён беришга рози бўлмаса, шоколаднинг жаҳон бозоридаги нархи кескин ошиб кетади, деб хабар беради The Seatle Times газетаси. Хабарда айтилишича, фермерлар ҳукуматдан 1 фунт (450 грамм атрофида) какаонинг харид нархини 40-50 цент кўтаришни, маҳаллий харидорлар маҳсулотни янада юқори нархда сотиб олишларига имкон бериш учун экспорт солиғини пасайтиришни ҳам сўрамоқдалар. Ҳозирги кунда боб-какаоларнинг 1 фунти учун экспорт солиғи 20 центни ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бутун дунёда етиштирилаётган боб-какаоларнинг 40 фоизга яқини Ғарбий Африка мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Кот-д`Ивуар какао ва кофени экспорт қилиш бўйича етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Айни вақтда 16 млн.га яқин аҳолининг 700 минги какао етиштирувчи фермер хўжаликларида ишламоқда.

Лизингга тракторлар

Молдова фермерлари лизинг асосида трактор сотиб олишга муваффақ бўлдилар. Японияннинг 230 млн. иен (2 млн. доллар) миқдорида берган гранти ҳисобига 100 дона МТЗ русумли тракторлар сотиб олиш имконияти пайдо бўлди. Дастлаб улар қишлоқ хўжалиги машиналарининг 40 фоизга яқин қийматидаги маблағни тўласалар, қолгани 3 қисмга бўлиб қайтарилади. Грант ажратиш тўғрисида келишув 2005 йил март ойида имзоланган эди. Япония ҳукумати "2KR" лойиҳаси дастурида Молдова фермерларига камида 10 млн. доллар қийматидаги молиявий ёрдам тақдим этди.

Бир вақтнинг ўзида 6 нафар йўловчи ва 1 тоннагача юк ташишга қодир ГАЗЕЛЬ-фермер универсал автомобили қишлоқларда кенг ишлатилмоқда. Машина юкхонасининг 3100 мм.гача узайтирилгани эса янада кўпроқ юк ташишга имкон беради.

Сақиранг Аннисер ЭШИМОВ тайёрлади

СЎНГГИ САҲИФА

СПОРТ миллатлар орасидаги дўстлик ва бирдамлик алоқаларини мустаҳкамловчи кучдир

ДОХА - 2006

Омад ёр бўлсин, Ўзбекистон спортчилари!

28 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН ИБОРАТ ДЕЛЕГАЦИЯНИНГ СЎНГГИ ГУРУҲИ 1-15 ДЕКАБРДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН ҚАТАР ПОЙТАХТИ — ДОХАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўтган жума куни Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг (МОҚ) мажлислар залида ҳамюртларимизнинг мазкур ўйинларда қатнашишига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ва МОҚ президенти Рустам Қурбонов бошқарган ушбу тадбирда журналистлардан ташқари спорт федерациялари вакиллари ва мутахассислар ҳам иштирок этдилар.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАЛАР НАШИДАСИ:

Дохадаги Осиё ўйинларининг расмий очилиш маросими, гарчи қишнинг биринчи кунига белгиланган бўлса-да, айрим жамоавий спорт турлари бўйича беллашувлар ноябрь ойининг сўнгги ўнкунлигида бошланиб кетди.

Жумладан, баскетбол бўйича бўлиб ўтган саралаш баҳсларида дастлаб Монголия, сўнгра Фаластин терма жамоаларидан устун келган ўзбекистонлик спортчилар асосий босқич йўлланмасини қўлга киритган бўлсалар, 28 ноябрь куни футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси гуруҳ баҳсларининг дастлабки турида Бирлашган Араб Амирликлари олимпиячиларини 2:1 ҳисобида мағлуб этди.

Айтиш лозимки, ўйин давомида тўп киритиш учун қатор қулай имкониятларни вужудга келтирган Рауф Инилеев шогирдлари биринчи бўлимнинг охирги дақиқасидагина ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Иккинчи бўлимнинг ўнинчи дақиқасида эса ҳисоб 2:0 га етказилди. Эътиборли томони шундаки, ҳар икки гол Москванинг "Торпедо" клуби ва терма жамоамиз ҳужумчиси Александр Гейнрих номига ёзилди.

Учрашувнинг 69-дақиқасида БАА футболчилари орадаги фарқни қисқартиришга эришдилар. Амалга оширилган жарима тўпи Одил ал-Марзуқийга теккан ҳолда йўналишини ўзгартириб, Игнатий Нестеров қўриқлаётган дарвоза тўрига бориб тушди.

Ҳамюртларимиз навбатдаги учрашувни 2 декабрь куни биринчи турда иорданияликлар дарвозасига учта жавобсиз тўп киритган мезбон — Қатар терма жамоасига қарши ўтказадилар.

■ **Шуҳрат ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири**

Йиғилишда қитъанинг элликка яқин мамлакатидан минглаб кучли спортчиларни бир жойга тўплайдиган "Доха-2006" мусобақаларига тайёргарлик ишлари ўз вақтида бажарилгани, шунингдек, ташкилий, техник ва моддий масалаларда қатор қулайлик ва имкониятлар яратилгани таъкидланди. Жумладан, мусобақада қатнашадиган терма жамоамиз аъзолари сони анча ортгани (Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинларида делегациямизда 175 нафар спортчи бўлган бўлса, бу йилги мусобақада юқори ўринлар учун 246 нафар ҳамюртимиз курашиши кутилмоқда), вакилларимиз ўз омадларини синаб кўрадиган спорт турлари саккизта (триатлон, камондан ўқ отиш, ушу, гандбол, аёллар эркин кураши, шахмат ва трамполин) кўпайиб, 32 тага етгани, қолаверса, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси илк бора Осиё ўйинларини эфирга узатиш ҳуқуқларига эга бўлгани айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, "Доха-2006" ўйинларига кўргазмали спорт тури сифатида ўзбек миллий курраши киритилганини алоҳида ифтихор билан таъкидлаб ўтиш даркор.

Осиё ўйинларини ташкил этиш ғояси XX асрнинг ўнинчи йилларида туғилган бўлса-да (1913 йилдан Шарқий Осиё давлатлари ўртасида ўтказила бошлаган ўйинлар Иккинчи жаҳон уруши арафасигача давом этган), беллашувлар қитъа миқёсидаги расмий мусобақа мақомини 1949 йили, яъни Осиё ўйинлари федерациясига асос солинганидан кейингина олган. I Осиё ўйинлари 1951 йили Ҳиндистон пойтахти — Деҳлида бўлиб ўтди. 1954 йилдан буён эса мусобақалар ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ушбу ўйинларда минтақамиздаги қардош республикалар каби 1994 йилдан буён қатнашиб келмоқда. Айнан ўша йили Хиросимадан олтин медаллар билан қайтган футболчиларимиз кўпчиликни ҳайратда қолдиргани ҳамон ёдимизда.

2002 йили Пусанда бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз жами 51 та (15 та олтин, 24 та кумуш ва 12 та бронза) медални қўлга киритиб, 40 дан ортиқ мамлакат орасида фахрли бешинчи ўринни банд этган эдилар. Айтиб ўтиш жоиз: вакилларимиз ўша йили юқори ўринларни спортнинг бокс, эркин кураш, эшкак эшиш, енгил атлетика ва сузиш каби турлари бўйича эгаллагандилар.

Ўйлаймизки, Қатарда спортчиларимиз бундан ҳам яхши натижаларга эришиб, уйларига ёруғ юз билан қайтадилар.

ОБ-ҲАВО

30 ноябрь-6 декабрь кунлари Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда ҳаво ўзгариб туради. Шанба куни ёғ бошлаган ёмғир қорга айланади. Ҳаво ҳарорати кечаси 4-13 даража совуқ, кундузи -5- +3 даража атрофида бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида бугун-эрта қор ёғади. Қолган кунларда ёғингарчилик деярли бўлмайди. Ҳарорат кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 1-9 даража илиқ келади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида вақтивақти билан ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси 1-5 даража совуқ бўлса, кундузи 4-10 даража илиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бугун ва эртага қор ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 1-8 даража илиқ келади.

Фарғона водийсининг жанубий ҳудудларида деярли ҳар куни ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати -5-0, кундузи 7-9 даражадан ошмайди.

Тошкентда бугун ёғ бошлаган ёмғир қорга айланиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси -8-+1, кундузи 2-6 даража атрофида бўлади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

4 - 10 декабрь

ҚЎЙ. Душанба куни арзимаган сабаб туфайли асабингиз бузилиши мумкин. Шунга қарамай, кейинги кунларда омад сизга кулиб боқади. Жумладан, ҳафта ўрталарида ўзингиз учун керакли нарсани арзон нархда харид қиласиз. Якшанба куни эса сиз мухлис бўлган жамоа шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олади.

БУЗОҚ. Обрўингизни сақлаб қолишни хоҳласангиз, тилингизга эрк берманг. Камтарроқ бўлинг. Чоршанба куни вужудга келган низоларни ўртага одам қўйган ҳолда музокара олиб бориш йўли билан ҳал қилинг. Шанба куни танишингиздан кутилмаган совға оласиз.

ЭГИЗАКЛАР. Сешанба куни қимматли вақтингизни ортиқча қоғозбозликка сарфлашга мажбур бўласиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида корхонангизда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши кутилмоқда. Шанба ва якшанба кунлари эса расмий зиёфатларда иштирок этасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Иш суръати пасайиб кетаяптими? Билинг-ки, корхонангизда малакали кадрлар танқислиги муаммосини ҳал қилиш, имкони бўлса, ходимлар ойлик маошини ошириш зарур. Пайшанба куни ҳамкорлардан яхшигина таклиф олишингиз кутилмоқда.

АРСЛОН. Ўзингизга нисбатан танқидий муносабатда бўлинг. Бир неча йил аввал қўлга киритилган шоншуҳрат қачондир ўз кучини йўқотиши мумкинлигини эсдан чиқарманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳисоб рақамингизга келиб тушган маблағни янги технология сотиб олишга кўрқмасдан сарфлашингиз мумкин.

ПАРИЗОД. Раҳбарият буюрган вазифаларни ўз вақтида бажаришга, янги ғояларни илгари суришга ҳаракат қилинг. Таклиф этилган жойга боришни унутманг. Пайшанба куни уйингизга қадрдон дўстларингиз меҳмон бўлиб келишлари мумкин.

ТАРОЗИ. Ҳафта бошида саломатлигингизга доир муаммоларни ҳал қилиш билан овора бўлсангиз, жума куни била туриб, рақобатчиларингиз манфаатига хизмат қиладиган келишувни имзолайсиз. Нима бўлишидан қатъий назар, дам олиш кунларигача барча кўнгилсизликларни бартараф этасиз.

ЧАЁН. Келаси ҳафтада уй-жой ёхуд мол-мулк мероси билан боғлиқ муаммоларга дуч келишингиз, аммо яхши ҳуқуқшунос танишларингиз ёрдамида "иш"ни ўз фойдангизга ҳал қилишингиз кутилмоқда. Буюртмаларнинг бенуқсон тайёрланишини истасангиз, қўл остингиздаги ходимларни назорат қилиб туринг.

ЎҚОТАР. Пайшанбага қадар бизнес соҳасида катта ютуқларга эришган кишилар билан учрашишга ҳамда уларнинг маслаҳатлари билан ўз ниятларингизни рўёбга чиқаришга муваффақ бўласиз. Шанба кунидаги англашилмовчиликлар асабингизга салбий таъсир этиши мумкин.

ТОҒЭЧКИСИ. Душанба кунидаги самарали бизнес ахдлашувидан сўнг, ҳафта сиз учун ҳар томонлама қулай келиши кутилмоқда. Чоршанбага катта ҳажмдаги ишни бажарасиз. Дам олиш кунлари қишга зарур бўладиган нарсаларнинг кам-кўстини тўғрилаб қўйганингиз маъқул.

ҚОВҒА. Ҳафтанинг биринчи ярмида қатор яхши хабарлар эшитиб, кайфиятингиз кўтарилади. Жума куни эса, аксинча, рақибларингиз қилмишлари оқибатида катта молиявий муаммоларга дуч келасиз. Камчиликларни бартараф этиш учун кўп тер тўкишга мажбур бўласиз.

БАЛИҚ. Ишга масъулият билан ёндашишга ҳаракат қилинг. Вақт ва пулингизни беҳуда сарфлашдан эҳтиёт бўлинг. Маошингизни фақат ўзингиз ва оилангиз учун ишлатинг. Расман таклиф этилган бўлсангиз-да, катта зиёфатларга боришдан ўзингизни тийганингиз маъқул.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
КОТИБИЯТ 361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
Т. АБДУРАҲМОНОВ, Ш. ХЎЖАЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1367
Тираж: 11755

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71; 361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, «Мулоқот» журналининг бош муҳаррири, устоз адиб **Барот БОЙҚОБИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Оқни қора деб бўладими?

Шоназаровни оппоқ қилиб кўрсатиш фикридан йироқмиз. «Ҳужжатлар билан исботланмаган бўлса-да», айби бўлса бордир. Аммо гап бунда ҳам эмас.

5- саҳифада

Навбат — жаҳон чемпионатига

КУНИ-КЕЧА КИК-БОКСИНГ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ТЕҲРОНДА ЭРОН СПОРТЧИЛАРИ БИЛАН БЎЛИБ ЎТГАН САРАЛАШ БЕЛЛАШУВЛАРИНИ ЎЗ ФОЙДАЛАРИГА ЯКУНЛАБ ҚАЙТДИЛАР

Эътиборли томони шундаки, Теҳрон спорт мажмуаси рингларига чиққан уч нафар кик-боксчиларимизнинг ҳар бири барча учрашувларда ғалаба қозонишди. Жумладан, эркаклар ўртасида 57 кг. гача вазнда жанг қилган Шавкат Азизов рақибини 7-раунд сўнгида очколар бўйича енгган бўлса, Расул Мамаюсупов 63 кг. гача вазнда ғолиб бўлди. Хотин-қизлар ўртасида эса навбатдаги учрашувини ўтказган Маликахон Шайбекова иккинчи раунддаёқ рақибасини нокаутга учратиб, устун келди.

Айтиб ўтиш жоиз: мазкур баҳсларнинг ғолиблари 2007 йил апрелида Тожикистон пойтахти — Душанбеда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz